Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 127 (3628)
6 СЕШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

ҒАЛАБА РАПОРТИ

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 127-автомобиль корхонасининг Георгий Мезников бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси коллективи улуғвор ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди.

Тўққиз ҳайдовчидан иборат бўлган бу коллектив беш йиллик бошидан буён планга қўшимча 200 минг тоннага яқин халқ хўжалик юкларини манзилларга етказиб берди. Ярим прицеплардан оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи юк ташишнинг янги схемасини ишлаб чиқаришга ўринли жорий этиш натижасида бундай муваффақият қўлга киритилди. Ҳар бир автомобиль учун бештадан прицеплар биркитиб қўйилган. Уларнинг бири темир йўл станциясида банд бўлса, иккинчиси йўлда юк ташиётган бўлади, қолганлари эса буюртмачиларнинг қўлида юклари туширилаётган бўлади. Ҳозирги пайтда тўққизта автомобиль ва уннинг 40 та прицепи Шумилов темир йўл станциясига келаётган юкларни тўла-тўкис ташишни таъминламоқда.

Г. Мезниковнинг бригадаси йил охирига қадар планга қўшимча яна 72 минг тонна халқ хўжалик юкларини манзилларга етказиб бериш мажбуриятини олди.

У. Жалолов билан В. Докунин (суратда: чапдан ўнгга) экскаватор заводининг илғор ишчилари. Улар смена топшириқларини мунтазам 120— 125 процент бажаришдан ташқари, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этишади. У. Жалолов Куйбишев район Советининг депутатлигига, В. Докунин эса район партия комитети аъзолигига сайланган.

Х. Мирзакаримов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

●

ЗАРБДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бундан 20 йил муқаддам мамлакатимизда халқ хўжалигини янада тараққий эттириш мақсадида меҳнатга коммунистик муносабат учун зарбдорлик ҳаракати бошланган эди. Ўша вақтдан буён бу чинакам ҳаракатнинг издошлари республикамизда ҳам кўпайиб кетди.

Ҳозирги пайтда республикамиз бўйича 2 миллиондан зиёд меҳнатчи меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада қатнашмоқда. Куни кеча ана шу ҳаракатнинг 20 йиллиги олдидан ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати зарбдорларининг бўлиб ўтган кенгашида ана шу ҳақда гапирилди. Кенгашда нутқ сўзлаган Ўзбекистон касаба союзлари советининг раиси Н. Маҳмудова ана шу ҳаракатнинг халқ хўжалиги тараққиётидаги катта аҳамияти, бу ишни амалга оширишда касаба союз ташкилотлари ва активларининг яқиндан бераётган ёрдамлари ҳақида батафсил гапирди.

Ҳозирги пайтда республикамизда 4,5 минг корхона, 28 минг цех ва бўлим, 81 минг бригада ана шу номни олиш учун курашмоқда. Булар орасида 342 корхона, 10 минг цех ва бўлим, 35 минг бригада ана шу шарафли номнинг эгалари бўлишди, 724 минг киши эса коммунистик меҳнат зарбдоридир.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Кеча Костромада КПСС шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг меҳнаткашлар вакиллари билан биргаликда Костромага Октябрь Революцияси ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

Сўнгра ўртоқ А. Н. Косигин Костромани Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттирди ва Ватаннинг юксак мукофотини гулдурос қарсаклар остида шаҳар байроғига тақиб қўйди.

◆ Туркия Республикасининг Бош министри Бюлент Эжевит Совет ҳукуматининг таклифига биноан 1978 йил июнь ойининг иккинчи ярмида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

БИРЛАШМАНИНГ ЮКСАК МАРРАСИ

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари тайёрлаётган мактабгача ёшдаги қиз болаларнинг кийимлари комплектига Давлат Сифат белгиси берилди. Бундан ташқари чиройли гулли газламалардан тикилган пальтолар ва комбинезонлар харидорларнинг талабини қондирмоқда.

Ҳозирги пайтда бирлашма корхоналаридаги поток линияларда фахрли беш қиррали белги туширилган 49 моделдаги кийим-кечак чиқариб олинмоқда. Шунча маҳсулотнинг 14 хилига шу йилнинг иккинчи кварталида Давлат Сифат белгиси берилган.

Бирлашма меҳнатчилари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили бошидан буён республика савдо тармоқларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим миллион сўмлик кўп олий категорияли сифатдаги буюмларни жўнатдилар.



Муаттар Толипова Тошкент химия-фармацевтика заводи ампула цехининг зарбдор ишчиси. У иш вақтидан унумли фойдаланиб, меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиб, дори-дармонлар тайёрлаш топшириқларини 120— 130 процент адо этмоқда. Корхонанинг кўпгина ёш ишчилари ундан ўрнак олишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

Фахрли белги билан

Тошкент трактор заводида йил бошидан бери тайёрланиб, пахтакор колхоз ва совхозларга жўнатилган прицеплар миқдори 16 мингтадан ортди. Бу пахтакорларнинг юксак баҳосини олган, фахрли беш қиррали белгиси бўлган «2 ПТС—4—793» маркали пахтани қоп-қанорсиз ташишга мўлжалланган прицеплардир.

Корхонада май ойининг ўзида 3150 тадан ортиқ прицеп тайёрланди. Бу ойлик топшириққа белгиланганидан анча кўпдир. Завод прицеп ишлаб чиқариш корпусига қарашли 1, 2, 15-цех коллективларининг шу кунлардаги меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса 17-пайвандлаш-пресслаш цехининг ишчилари социалистик мусобақада намуна кўрсатиб, топшириқларини тез ва соз бажаришяпти. Бунда цех пайвандчиларининг муносиб улуши бор. Жумладан, В. Титов, Н. Иванова, М. Кашапов бошлиқ пайвандчилар бригадалари шу кунларда ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, ҳар сменада 75—80 та ўрнига 90—100 та прицеп бортини тайёрлаб, конвейерларга узлуксиз етказиб беришяпти.

Заводнинг 2-механика-пресслаш цехида ҳам иш жадал суръатда боряпти. Бу ерда кейинги вақтда технологик жараённи такомиллаштириш бўйича талайгина ишлар қилинганлиги коллективда ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариш имконини беряпти.

Муносиб мукофот

«Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективига СССР давлат Стандарти ва ВЦСПСнинг «Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқаришда энг яхши натижаларга эришганлиги учун» деган диплом топширилди.

Бу бирлашманинг маҳсулотлари биргина мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Яқинда Югославиянинг Загреб шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада корхонанинг Р—192—5 маркали ростлаш, ПК—100—ШЛ йигирув-пишитиш машиналари юксак самарадорлиги ва конструкциясининг такомиллашганлиги учун олтин медаль билан тақдирланган эди.

Ҳозирги пайтда бирлашмада ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг уч хили Давлат Сифат белгисини олган.

ПАРТИЯВИЙЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги республика раҳбар ходимларининг малакасини ошириш институтида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг қаҳрамонлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Институт ўқитувчиларидан фалсафа фанлари доктори, профессор О. Ф. Файзуллаев, иқтисод фанлари кандидати, доцент Н. Х. Ниёзов, доцент Е. Г. Сазонова ва тингловчилар докладлар қилдилар.

Совет халқининг содиқ фарзанди, Коммунистик партия, Совет давлатининг ҳамда халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби Леонид Ильич Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти советлар мамлакатининг барча меҳнаткашлари учун мардлик, чуқур эътиқод ва юксак партиявийликнинг намунасидир, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар.

Шаҳрим — фахрим

Асфальтдан чиқарилмоқда

«Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-ремонт-қурилиш бошқармаси йўлсозлари шаҳримиздаги 6-Магнитогорская кўчасини қуриш ишларини жадаллик билан олиб боришмоқда.

БУГУН

бошқарманинг М. Хленас бошлиқ бригадаси йўлсозлари бу кўчада асфальтлаш ишларини ниҳоясига етказдилар. Энгельс ва Тимирязев кўчаларини туташтирувчи бу кўча ўртасида гулзорлар барпо этилмоқда, атрофида эса йўлкалар ва суғориш шохобчалари, чиройли тўсиқлар ўрнатилмоқда. Шаҳримиз ободончилигида муҳим аҳамият касб этадиган бу кўчани йўлсозлар муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

Бошқарманинг 2-участкаси қурувчилари эса Жаҳон Обидова кўчасида сўнгги ободончилик, плита ётқизиш, йўлкаларни асфальтлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда.

В. В. КУЙБИШЕВ ХОТИРАСИГА

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида Валериан Владимирович Куйбишев туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган виставка очилди.

Виставкага қўйилган сон-саноқсиз материаллар партия ва совет давлати таниқли арбобининг ҳаёти ҳамда революцион фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади. 1919 йил октябрь ойида В. В. Куйбишев Туркистон ишлари бўйича комиссиянинг аъзоси эканлиги тўғрисида В. И. Ленин имзолаган мандат кўзга кўринарли жойга қўйилган. Суратлар ва газеталардан қирқиб олинган материаллар Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ҳозирги Ўзбекистон территориясида ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасида Валериан Владимировичнинг қилган жуда катта ишларини батафсил таърифлаб беради.

(ЎзТАГ).

ИВАНОВОЛИКЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

«Ташзаготхлопкопром» бирлашмасининг коллективи Иваново тўқимачиларига планга қўшимча равишда ўн икки вагон тола жўнатди. Областдаги бошқа корхоналар ҳам улардан қолишмаяптилар. Бунга сабаб шуки, ивановоликлар 1978 йил учун зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, ўз буюртмаларини тезроқ бажаришни сўраб, Ўзбекистон пахта тозаловчиларига мурожаат қилдилар.

Республика пахта тозалаш саноатининг ходимлари «Минглар шартномаси»га мувофиқ ўз ўртоқларига бир неча бор кўмаклашган эдилар. Бу йил ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамма резервларини ишга солдилар. Пахта тозаловчилар йил бошидан буён ивановоликларга 44 минг тонна— топшириқда белгиланганидан 8 минг тонна кўпроқ юқори сифатли тола жўнатдилар.

(ЎзТАГ).

«Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-фабрикасининг коммунист Ҳусан Тўлаганов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари адо этиб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти. Бригада коллективи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга интиляпти.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳусан Тўлагановни (чапдан иккинчи) бригада аъзолари Анна Гладнова, Асқар Ҳайдаров ва Василий Фадеевлар билан кўриб турибсиз.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ ОБЪЕКТЛАРДА

ҲАФТА ЯКУНЛАРИНИ ШАРҲЛАЙДИЛАР:

Тошкент абразив комбинати капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи О. НИКОЛАЕВ.

— Сўнгги ҳафта комбинатнинг олмос синтези цехи қурувчилари учун зарбдор меҳнат ҳафтаси бўлди. Бош пудратчи — «Главташкентстрой» 3-трести 36-қурилиш бошқармаси барча иш участкаларда ишни жонлантириб юборди. Натижада май ойида қурилиш-монтаж ишлари плани ортиғи билан бажарилди. Пландаги 119 минг сўм ўрнига 120 минг сўм ўзлаштирилди.

Аммо хотиржамликка вақт эрта. 3-трестнинг 44-қурилиш бошқармаси пардозлаш ишларини қониқарсиз олиб боряпти. Кошинли полларни ётқизишда технология қоидалари бузилган. Ҳамон «Узглавмашснабсбит» ва «Главташкентстрой»нинг саноат корхоналари бошқармаси каби ташкилотлар қурилиш суръатини чеклаб турибди. Таъминотчилар объектга 5 балкали кран етказиб беришни чўзишяпти, УПП 30 тоннага яқин металл конструкцияларини кам етказиб берди.

Июнь ойида бош пудратчи қурилишда 119 минг сўмни ўзлаштириши лозим. Белгиланган маррани эгаллаш учун ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг фаолиятини активлаштириш, қурилишни металл конструкциялар билан таъминлаб туришни йўлга қўйиш керак.

Тошкент метрополитени бошлиғининг ўринбосари В. ИНКИН.

— Метрополитен 2-участкасининг қурилиши муваффақиятли боряпти. Капитал маблағларни ўзлаштириш бўйича май ойи плани 103 минг сўмга ошириб бажарилди. Жами 1.879 минг сўм ўзлаштирилди.

Бош пудратчи — «Ташметрострой» трести аъло даражада меҳнат қилди: қурилиш-монтаж ишларида 1.633 минг сўм ўзлаштирилди. 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ва «Ташметрострой»нинг 2-тоннель отряди май ойи программасининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. «Октябрь революцияси» ва «Ҳамид Олимжон» станциялари ўртасидаги бир километр узунликдаги участкада лаҳм қазиш ишлари асосан тугалланди.

Ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — «Ташсантехгазмонтаж» ва «Промвентиляция» трестлари ўз имкониятларидан паст меҳнат қилишди. Улар май ойида ишларнинг ўртача 80 процентини бажаришди.

«М. Горький», «Пушкин» ва «Ҳамид Олимжон» станцияларини тиклаш бўйича ишлар кенг қулоч ёядиган июнь ойида метро қурувчиларга катта вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Жами 1.300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилиши керак.

РЕСПУБЛИКА БУЙЛАБ

●

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Қашқадарё областидаги қўриқ хўжаликларнинг кўпгина машина парклари бўшаб қолди. Техника ғалла ўрим-йиғимига олиб чиқилди. Областдаги энг янги хўжалик — ВЛКСМ XVIII съезди совхозининг деҳқонлари ўрим-йиғимни биринчи бўлиб бошладилар. Совхознинг ғаллазорлари Қарши даштининг жанубида жойлашганлиги туфайли бу ерда дон бошқа далалардагилардан барвақтроқ етилди. Ҳосил кишини қувонтиради. Ҳар гектар суғориладиган ердан 20 центнерга қадар мўлжалдагидан икки баравар кўп дон олинмоқда.

●

МАРКАЗЛАШТИРИШ ФОЙДАСИ

Задарёдаги колхозлараро қурилиш бошқармасида кунига 120 тонна маҳсулот тайёрлайдиган марказлаштирилган бетон узели яратилди. Бу билан бетон тайёрлайдиган майда бригада участкаларига барҳам берилди, маҳсулот сифати яхшиланди, таннархи камайди. Бундай бетон узеллари Наманган область колхозстройнинг бошқа бўлинмаларида ҳам ташкил этилмоқда.

●

ҚУРИЛИШГА ЮК ТАШИБ

Ховос районидаги 71-автобазанинг А. Қўчқоров ҳамда Б. Худоёров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаларининг коллективлари ярим йиллик топшириқни муддатидан барвақт бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Ўрта Осиёда энг йирик Сирдарё ГРЭСи қурилишига материаллар етказиб бераётган самосвал машинаси ҳайдовчиларининг муваффақияти бригада пудрат усулини яхши ўзлаштириб олишга, шунингдек янада рационал маршрутларни қўллаш, фойдаланувчилар ва буюртмачилар билан ўзаро мустаҳкам алоқа боғлашга ёрдам бермоқда. Улар Мирзачўлдаги шоферлар орасида биринчи бўлиб бу методга ўтдилар.

Ўтган йили ҳар иккала коллектив бир ярим йиллик топшириқни бажарган эдилар. Бу йил эса ҳайдовчилар йиллик планларини 7 октябрга — СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача бажариб бўлишга қарор қилдилар. Шу кунга қадар улар планга қўшимча 400 тоннага яқин юк ташидилар.

Экранда меҳнат тараннуми

Республика Билимлар уйида «Ҳаваскорлик кино санъатида инсон меҳнати» деб аталган шиор остида шаҳримиздаги ҳаваскорлик кино студияларида яратилган фильмларнинг икки кунлик конкурси бўлиб ўтди.

Область касаба союзлари Совети, республика Билимлар уйи ва Тошкент киноҳаваскорлар клуби ташкил этган бу маданий тадбир ўн бешдан ортиқ ҳаваскорлик кино студиясининг 20 дан зиёд кино лентасини намойиш этди.

Бу кўрикда ўз картиналарини намойиш этган ҳаваскорлик коллективлари орасида Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Звезда Востока» маданият саройининг «Сириус» халқ студияси, ҳунар-техника таълими ўқувчилари маданият саройининг «Трудфильм», агрегат заводи ва бошқа корхоналарнинг студиялари бор.

Кўрикда яқиндагина ташкил этилган бир қатор янги студиялар ҳам иштирок этди. Кабельсозлар маданият саройининг «Спектор» студияси, 166-ҳунар-техника билим юртининг кино ҳаваскорлари ва бошқа коллективлар шулар жумласидандир.

Қисқа ҳужжатли ленталар корхоналарнинг коллективлари олиб бораётган жўшқин меҳнат, мураббийларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Республикамиз кино ҳаваскорларининг кўпгина ленталари Бутуниттифоқ даврасида бир неча марта намойиш этилиб, мукофотлар ва дипломлар билан тақдирланган. Ҳаваскорларнинг ленталари Югославия ва Чехословакияда бўлиб ўтган кино кўрикларда ҳам муваффақият қозонган.

МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Октябрь районидаги Ильич номли маҳаллада Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг раҳбар ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Октябрь район «Билим» жамияти ташкилоти ва Алишер Навоий номли маданият уйининг ташаббуси билан ўтказилган бу оммавий тадбир меҳнаткашлар ўртасида юридик билимларни пропаганда қилишга бағишланди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Юстиция министри М. Восиқова, министрликнинг раҳбар ходимлари С. Пўлчиев, Е. Бозорбоев, СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларининг қабул қилиниши, бу бахт қомусларининг жуда катта аҳамияти, совет кишилари учун яратиб берилаётган қатор имкониятлар ва қулайликлар ҳақида гапириб бердилар. Бундан ташқари юристлар маҳалла меҳнаткашларига халқ судларининг иш фаолияти, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар, жамоат тартибини мустаҳкамлаш бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида гапириб беришди.

Шундан кейин Алишер Навоий номли маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари ўзларининг мароқли концертлари билан маҳалла меҳнаткашларини мамнун этишди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ДУШМАНЛАРИНИНГ ЙИҒИНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясида қуролланиш пойгасини камайтириш ва тўхтатиш тадбирлари, кескинликнинг юмшатилиши ва тинчликни мустаҳкамлаш йўллари жиддий ва батафсил муҳокама қилинмоқда. Планетанинг тинчликсевар жамоатчилиги Нью-Йоркда кўп мамлакатлар вакилларининг иштироки билан ўтказилаётган ана шу анжуманга актив тайёргарлик кўрди. Барча қитъаларда тинчликни ҳимоя қилиш ҳақидаги янги Стокгольм Хитобномасига 600 миллиондан зиёд имзо тўпланганлиги буни жуда яққол исбот этади.

НАТО раҳбарлигига яқин бўлган «Нувель Атлантик» бюллетени НАТОнинг махсус сессиясига муносабатини таърифлаб, ғарбнинг ҳарбий блоки бу сессияда салбий роль ўйнайди, деб таъкидлади. АҚШ ва Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган бошқа баъзи мамлакатлар тамомила бошқача бир учрашувда— НАТО кенгашининг сессиясида ўзларининг асосий ва актив ролларини ижро этдилар. Бу сессия 30—31 майда Вашингтонда юксак даражада ўтказилди.

Ғарб блокининг қуролсизланиш ҳақидаги таклифлари жиддий аҳамиятга молик эмас, бироқ, Пентагон ва НАТОнинг янги милитаристик программалари тўғрисида бу гапни айтиб бўлмайди. НАТОнинг Вашингтон слётида ана шу агрессив иттифоқнинг ҳарбий потенциалини унинг тарихида мисли кўрилмаган даражада кучайтириш программаси батафсил муҳокама қилинди. Бу программа шу асрнинг охиригача бўлган муддатга мўлжалланган. Пентагон ва НАТОнинг программаси 10 йил ичида қилинадиган ҳарбий харажатларни яна 80 миллиард доллар миқдорида кўпайтиришни, Европада НАТОнинг танкка қарши фойдаланиладиган воситаларини икки баравар оширишни, денгиз ва қуруқликдаги ракеталарнинг янги турларини биргаликда ишлаб чиқаришни, «электрон» уруш олиб бориш усулларини ишлаб чиқиш, қурол-яроғ ва ўқдори запасларини тобора кўпайтириб, ҳарбий анжомлар сақланадиган муштарак омборлар қуришни ва шу сингариларни кўзда тутади.

НАТО кенгашининг сессиясида сўзга чиққан АҚШ президенти Ж. Картер ва НАТОга аъзо бўлган бошқа баъзи мамлакатларнинг раҳбарлари блокнинг ҳарбий қудратини бундан буён ҳам бутун чоралар билан кўпайтиришга даъват этдилар ва СССР ҳамда Варшава Шартномасига қўшилган бошқа давлатлар «НАТОга хавф туғдирмоқда» деган сийқаси чиқиб қолган афсоналарни ана шу тадбирларни амалга ошириш учун «сабаб» қилиб кўрсатдилар. НАТО 1949 йилда ташкил этилган эди. Ўша пайтдан буён қуролланиш пойгасини авж олдириш ва блокнинг доим ўсиб бораётган ҳарбий харажатларини қоплаш зарур эканлигига ғарб мамлакатларидаги солиқ тўловчиларни ишонтириб талаб этилган чоғда ҳар сафар иғвогарликдан иборат ана шундай бемаъни сафсаталардан фойдаланиб келмоқдалар.

Аммо бу найранглар ғарб мамлакатларининг аҳолисини тўғри йўлдан чалғита олмайди: реакцион пропаганда ҳар қандай ҳийла-найрангларни ишлатаётганлигига қарамай, ғарб мамлакатларининг аҳолиси кимларнинг тинчликни астойдил истаётганлигини ва кимларнинг турли-туман ҳарбий авантюралар тайёрлаётганлигини тобора аниқ-равшан тушуниб олмоқда. СССРнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва реал қуролсизланиш юзасидан БМТ Бош Ассамблеяси махсус сессиясининг муҳокамасига тақдим этган таклифлари халқаро майдонда жуда катта қизиқиш туғдирди.

Планета халқлари, шу жумладан, шубҳасиз, НАТОга аъзо бўлган мамлакатларнинг халқлари ҳам мустаҳкам тинчлик шароитида хавф-хатарсиз яшашни истайдилар. Бу халқлар зўр бериб қуролланиш пойгаси тарафдорларининг иғвогарлик ҳужумларига зарба беражагига шак-шубҳа йўқ.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

Идеология ва ҳаёт

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

МАЗМУНЛИ меҳнатдан сўнг шинам клубда Ўзбекистон ССР янги Конституцияси (Асосий Қонуни) ҳақида, шаҳар ва районнинг бугунги куни, эртаси тўғрисида, ёрқин ҳаётимиздаги янгиликлар тўғрисида суҳбатлашиш, чет элларда юз бераётган воқеалардан хабардор бўлиш иштиёқи пайдо бўлиши табиийдир.

Октябрь районидаги «Камолон» маҳалласининг чойхона-клубида ўтказилаётган ранг-баранг оммавий-сиёсий ишлар, суҳбат ва лекцияларни, турли темаларда бўлаётган кечаларни шу ерлик коммунистлар, оқсоқоллар, зиёлилар, маҳалла комитетининг ташаббуси ва кўмаги билан уюштирмоқдалар. Улар ўзларининг асосий иш жойларида банд бўлишларига қарамай, маҳаллада жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашяптилар. Ўз суҳбатларида кишиларни кўпгина янгиликлардан хабардор қилиб, фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундаяптилар.

Бу ерда элликка яқин коммунист бор. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришда аъло даражада меҳнат қилишни ўз турар жойларида актив жамоат иши билан қўшиб олиб бормоқдалар, бошқалари эса ҳозирги вақтда пенсияда бўла туриб жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар.

Масалан, маҳалла комитетининг раиси, 1939 йилдан КПСС аъзоси Неъматжон Алимов кишиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, кўп жиҳатдан бошқаларга ибрат бўлмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, урушдан сўнг ишлаб чиқаришда кўп йиллар ишлаган, бир неча бор халқ депутати қилиб сайланган, ҳозирда эса пенсияда бўлган Неъматжон ота маҳаллада кўп яхши ишларнинг ташаббускори бўляпти, клубда у доим қизиқарли ва фойдали суҳбатлар ўтказади.

Шу маҳаллада коммунист Тожибой Мусамуҳамедовни ҳам ҳурмат билан тилга олишади. Унинг ҳаёт йўли ибратлидир. У Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, уруш кулфатларини кўп тортган. Ўттиз йилдан ортиқ трамвай ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Клубда ҳар бир киши билан турли мавзуларда самимий илиқ суҳбат қура олиш — ҳозирда қарилик гаштини сураётган Тожибой отанинг энг яхши фазилатидир. Шу ўринда маҳалла меҳнаткашлари орасида агитация-пропаганда ишида актив қатнашаётган кўпгина кишиларни тилга олиш мумкин. Кишиларда, масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Абдулҳай Ҳикматов, Тошкент шаҳар Советининг депутати, темир йўл ходими Абдусаттор Маликов, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчиси Ёқуб Раҳимов, Чилонзор район алоқа узелининг бошлиғи Жовкат Муҳаммадиев ва Ўрта Чирчиқ район тикувчилик фабрикасининг бош инженери Қобил Олимовнинг лекция ва суҳбатлари зўр қизиқиш уйғотмоқда. Улар сиёсий ва назарий билимларни пухта эгаллашган.

Агитация-пропаганда группасининг ишига республика газ ва нефть саноати ходимлари касаба союз комитетининг ишончли врачи, коммунист Шавкат Қаюмов раҳбарлик қилмоқда. Бу группа аъзолари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда оғзаки сиёсий агитациянинг ролини ошириш тўғрисида»ги ҳамда «Лекция пропагандасининг аҳволи ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини бажара бориб, кўпгина маданий-оммавий ва тарбиявий ишларнинг мазмунли ўтишига интиляптилар, ҳар бир суҳбатни ҳаёт билан, ўнинчи беш йилликда маҳалла аҳолиси олдида турган вазифалар билан боғлаб ўтказяптилар.

Агитаторлар бу лойиҳа партия ва ҳукуматимизнинг кишилар тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги, уларнинг турмушини янада яхшилаш учун қандай муҳим тадбирлар кўзда тутилаётганлиги ҳақида оддий ва тушунарли тилда ҳикоя қилиб беряптилар, одамларни лойиҳа юзасидан қизиқтирган саволларга аниқ жавоб беряптилар.

Ишлаб чиқариш илғорлари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувларда, муҳим саналарга бағишланган кечалардан қизиқарли ва таъсирчан суҳбатлар ва лекциялар эшитиш, концерт томоша қилиш кимга ёқмайди дейсиз! Маҳаллада ана шундай учрашувлар, кечалар тез-тез ўтказилиб турилади.

Масалан, СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллигига, хотин-қизлар кунига бағишлаб клубда ўтказилган кечалар ҳамманинг эсида.

Маҳаллада яшовчи ота-оналар 84-мактаб ҳузурида ташкил этилган университетда янги анъаналарни жорий қилиш, рўзғор ишларини юритиш, болаларга тарбия бериш борасида кўп нарса ўрганяптилар. Коммунистларни ва партиясиз активистларни ўз ичига олган маҳалла комитетининг фаолият майдони кенгдир. Маҳаллада 480 та хўжалик, тўрт мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишлар янги анъаналарни жорий қилиш, ободончилик ишлари олиб бориш мақсадларида маҳалла комитети ҳузурида маданий-оқартув, ободонлаштириш, тўй комиссиялари тузилган. Яна хотин-қизлар совети, ўртоқлик суди ишлаб турибди.

Шу кунларда маҳаллада коммунистлар, активистлар ўзларининг бутун диққат-эътиборларини меҳнаткашлар орасида Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини кенг тушунтиришга, улар маҳалла аҳолисини янги муваффақиятларга эришиш учун, ўз иш жойларида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришлари учун сафарбар қилмоқдалар.

С. НИШОНБОЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

• Уй-жой фондига — доимий эътибор

Масъулиятли вазифа

Аҳоли истиқомат қилаётган турар жойларни намунали ҳолда тутиш, кўп қаватли биноларнинг инженерлик иншоотлари кам-кўстсиз ишлашини таъминлаш уй-жой ташкилотлари коллективларининг масъулиятли вазифаларидан ҳисобланади. Партия ва ҳукуматимиз бу борада катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVI съездида сўзлаган нутқида **«Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат ва саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи учун ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш социал ҳаётимизнинг жуда катта асосидир»**, деб айтган сўзлари бунинг яна бир исботидир.

Пойтахтимиздаги кўплаб уй-жой ташкилотларида бўлгани сингари Собир Раҳимов районидаги 36-ЖЭКда ҳам уй-жой фондини асраб-авайлаш, уларга хизмат кўрсатиш ишларини пухта ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ерда ҳар йили ўтказилаётган уй-жой фонди ва ундан фойдаланишнинг техник даражаси бўйича жамоатчилик кўриклари уйлар ва квартираларнинг жиҳозлари, техник системалари ва ҳовлилардаги болалар спорт майдончаларининг ҳақиқий ҳолатини аниқлашда муҳим тадбир бўлиб қоляпти. Кўрик комиссиялари жамоатчилик асосида ишловчи уй комитетлари ва унинг активларидан тузилмоқда. Бу эса кўп қаватли биноларда истиқомат қилаётган аҳоли эҳтиёжларини аниқлаш ва зарур проблемаларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беряпти.

Бу йилги жамоатчилик кўриги ҳам анча барвақт ўтказилди. Кўрикда қўшни ЖЭКлар шунингдек, район уй-жой бошқармасининг вакиллари иштирок этишди. Кўрик натижалари ўтган йили аниқланган ва кўрсатилган кўпчилик камчиликлар тузатилганлигини, бу борада ҳали қилиниши керак бўлган зарур тадбирларни кўрсатди.

Бу тадбирлар қишга тайёргарлик ишларининг барвақт тугалланиши, шунингдек болаларнинг ёз мавсумида ҳовлиларда яхши ҳордиқ чиқаришини таъминлашга қаратилган.

ЖЭКда аҳолидан маълум қилинаётган буюртмаларни ўз вақтида кўриб, тадбир белгилашга катта аҳамият берилади. Бундан ташқари, ЖЭКка қарашли уйлар беш участкага бўлиниб, бу участкаларга бириктилган қаровчи техник йил мобайнида ҳар бир квартирани камида тўрт марта текшириб чиқади. Турар жойдан фойдаланиш қоидаларига қандай риоя этилаётганлигини назорат қилади, ремонтталаб жойларни аниқлайди ва ўз вақтида бош инженерга ҳисоб беради. Иш юритишнинг бундай усулини ҳар бир уй мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам «Намунали асралаётган уй» номини олган ва шу ном учун курашаётган уй коллективлари кўпайиб бормоқда. Яқинда 2-Қорақамиш массивининг 3-микрорайонидаги 1-уй ана шундай фахрли номни олишга тайёрланиб қўйилди. ЖЭКда биноларни жорий ремонт қилиш тўрт ойлик планини барча кўрсаткичлар бўйича 105 процент қилиб бажарилди.

Ёз мавсумига 15 та болалар ўйнайдиган қум тўкилган жойлар иккита усти ёпиқ болалар ўйнаш майдончалари қурилди. 15 та болалар ўйнайдиган майдончалар ремонт қилиб, жиҳозланди. 2 баскетбол ва 2 волейбол майдончалари ремонтдан чиқарилди. Минифутбол, баскетбол ва қўл тўпи ўйналадиган иккита майдонча тайёрланди. Тўртта волейбол майдончаси янгидан барпо этилди.

— Кўкламги ободонлаштириш мавсуми пайтида 21 минг тупдан кўпроқ дарахт, 11,2 минг туп яшил тўсиқ, 5 минг туп кўп йиллик гул кўчатлари ўтқазилди ва 20 минг туп бир йиллик гуллар уруғдан экилди, — дейди ЖЭК бошлиғи Н. Б. Бутаков. — 126,3 минг квадрат метр территория тартибга келтирилиб, 7,2 минг погон-метр суғориш тармоқлари тозаланди. 1485 та балкон тартибга келтирилди, 500 погон метрда кўчалар ҳуснини бузувчи тўсиқлар олиб ташланди. Булардан ташқари, кўплаб йўлкалар асфальтланди ва кварталлараро йўлкаларга шағал тўкилди.

Амалга оширилган бу тадбирлар ЖЭК хизмат кўрсатаётган бинолар ва ҳовлиларни янада ободонлаштириш, турар жойларда аҳолининг ҳордиқ чиқариш ва уларнинг фарзандлари учун намунали шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу кунларда ЖЭК коллективи ҳовлиларида болалар ёзининг намунали ўтиши учун катта ташкилотчилик ишларини олиб боряпти. Педагог ташкилотчи Р. А. Шаропова раҳбарлигида ҳовлиларда спорт командалари тузилган ва улар мусобақаларни яхши ўтказишмоқда.

А. УМАРОВ,
жамоатчи мухбир.

• Беш йиллик илғорлари

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Мамлакатимиз халқ хўжалиги учун кўплаб ҳар хил абразив маҳсулотлари ишлаб чиқараётган Тошкент абразив комбинати коллективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари адо этиш, барча муҳим халқ хўжалиги буюртмаларини юқори сифат билан тайёрлаб бериш, беш йилликнинг учинчи йил топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилинган кунгача бажариш юзасидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини янада ривожлантириш борасида сидқидиллик билан меҳнат қиляпти. Корхонанинг бир неча бор медаллар ва орденлари билан тақдирланган кўпгина машъал ишчилари ўз баракали меҳнатлари билан кўпларга ўрнак бўлмоқдалар. Ана шундай илғор ишчилар қаторига Ибраим Мавлютов, Николай Симбаль, Ленур Осмонов, Жафер Фератов, Файзулло Кароматов, Мавжуда Ризаева, Евгения Скаковская, Моида Исамуҳамедова кабиларни киритиш мумкин. Бу ишчиларнинг кўпчилиги мунтазам равишда смена топшириқларини 1.5 баробар адо этишмоқда.

Тайёр маҳсулот жўнатиш участкасининг зарбдор ишчилари коммунистик меҳнат зарбдорларидан Тамара Максутова, Зера Фератова каби ишчилар эса «Беш йилликни уч ярим йилда бажарамиз» шиори асосида меҳнат қилишяпти. Бу илғорлар тайёр маҳсулотларни ўз вақтида тайёрлаш ва жўнатиш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Сиз мана бу фотолавҳаларда корхонанинг илғор ишчиларидан механика цехининг ремонтчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Муса Сулаймонов ва токарь Исроил Зокировларни иш жараёнида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов
ва А. Валиев
фотолари.

• Йиллик план — муддатидан илгари

Мебель учун ойна

Мебель ойналари фабрикасида ўтган ойдаги социалистик мусобақага якун ясалганда ишчилар ўртасидаги шахсий мусобақада ойна кесувчи Х. Муҳамедов ва оператор И. М. Чехов ғолиб чиқишди. Улар ускуналарнинг бетиним ишлашини таъминлаш, иш вақтини зичлаштириш, ишлаб чиқаришга меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш орқали смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажаришяпти. Бу ишчилар ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили ҳисобига ишлашяпти. Ҳозир корхона бўйича вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган ишчилар сони 60 нафардан ортади.

Илғор ишчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик топшириқни муваффақиятли адо этди. Йил бошидан бери мебель саноати корхоналарига 1.400 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот юборилди.

Шу кунларда коллектив ой охиригача планга қўшимча яна 70 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун интиляпти.

• Мураббийчиликка — кенг йўл

ИШЧИ ПЕДАГОГИКАСИ УНИВЕРСИТЕТИ

Шаҳримиздаги корхоналарда ёшларни тарбиялаш ишлари йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Юксак касб маҳоратига, бой ҳаёт тажрибасига эга бўлган ишлаб чиқариш илғорлари ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбияламоқдалар. Яъни ёш авлодни ишчилар синфининг илғор анъаналари руҳида вояга етказмоқдалар.

Тарбия жараёнида мураббийлар олдида қатор масалалар вужудга келяпти. Улар ўқитиш, ўргатиш, педагогика ва психологияга боғлиқ муаммолардир. Бу муаммолар орасида шогирдларга шароит яратиш масалалари ҳам бор.

Шу жиҳатдан олганда уларга Тошкент область касаба союзлари Совети ҳузурида ташкил қилинган облестдаги, шунингдек шаҳардаги корхоналар ва ташкилотлар мураббийлар советларининг раислари учун ташкил қилган ишчи педагогикаси университети жуда қўл келади.

Университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. У мураббийларга ишчи кадрлар тайёрлаш йўлларини кўрсатиб бериш билан бирга ишлаб чиқариш илғорларининг дунёқарашларини кенгайтирди.

Низомий номидаги Давлат педагогика институти фалсафа, этика, эстетика ва илмий атеизм кафедрасининг мудири, профессор А. С. Агаронян «КПСС XXV съезди меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемалари тўғрисида» деган қизиқарли темада лекция ўқиди.

Кейин агрегат заводининг мастери, завод мураббийлар совети раисининг ўринбосари И. Д. Сенко корхонада ёш ишчиларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган тажриба билан ўртоқлашди.

Совет аъзолари кенгайтирилган йиғилишларда мураббийларнинг ишларини, айниқса ёш йигит-қизларга устозлик қилаётган мураббийларнинг ишларини таҳлил қилиб турадилар. Совет ишчилар синфига бағишлов, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув, Совет Армияси сафларига кузатиш кечаларини ташкил қилиб туради. Бу кечаларда илғор ишчилар ҳам иштирок этадилар. Ёшларнинг қанча маош олаётганликларини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берилади.

Ота-оналар билан иш олиб бориш соҳасида ҳам маълум тажриба тўпланган. Улар билан ҳамкорликда ёшларнинг турмуш шароитлари, мактабда, техникумда ва олий ўқув юртларида қандай ўқиётганликлари ўрганиб борилмоқда.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси ёшларнинг фаолиятини активлаштиришга самарали таъсир кўрсатяпти. Ҳозир завод қошидаги маданият уйида ишлаб турган ҳаваскорлар тўгарагида 180, спорт секциясида эса 482 ёш ишчи маҳорат сирларини ўрганмоқда. Ёшларнинг дам олишини ташкил қилиш соҳасида ҳам маълум тажриба тўпланган. Чимён, Ҳумсон, Оқтош, Самарқанд ва бошқа жойларга бориб дам олишни ташкил қилиш одатга айланиб боряпти. Ёш йигит ва қизларга мукофот тариқасида туристик базалар ва пансионатларга бориш учун текин йўлланмалар бериляпти.

Айни вақтда мураббийлар ҳам рағбатлантириб борилмоқда. Жумладан, меҳнат ветеранлари Ғ. Исломов ва А. Кузнецоваларга СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг «Энг яхши мураббий» шарафли унвони берилди. А. Суслова, А. Несмачной, И. Николаев, А. Филиппенко ва бошқаларнинг бу соҳада намунали ишлаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Уларга қимматбаҳо буюмлар совға этилди.

Кейин электрон-техника заводи 5-цехининг катта мастери М. М. Зелинская сўзга чиқиб, корхонада меҳнат қилаётган ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган иш ҳақида сўзлаб берди.

Корхонада ишчилар синфига бағишлов кечалари ўтказиб турилади. Бу кечаларда ёш йигит ва қизларга «Ёш ишчи дипломлари» топширилади. Ўн тўрт ўсмирга «Энг яхши ёш ишчи» деб ёзиб қўйилган қизил ленталар топширилди. Июнь ойида заводда меҳнат қилаётган ёш ишчиларнинг слётини ўтказиш мўлжалланмоқда. Слётда энг яхши ёш ишчилар ва ишчилар мактабининг энг яхши қатнашчилари бўлган ёшларга мукофотлар топширилади.

Электрон-техника заводида педагогика совети ишлаб турибди. Совет составига цех ва бўлимлардаги мураббийлар советининг раислари аъзодирлар. Педагогика советининг кўчма йиғилишларида ёшларни тарбиялаш, уларга касб ўргатишга оид бўлган муҳим масалалар муҳокама қилинади. Мураббийлар советларининг раислари шогирдларнинг дарсларни қандай ўзлаштираётганликларини қайд қилиб боришади. Улар корхонада осиб қўйиладиган «Экран» махсус варақасини ҳам ана шундай белгилар билан тўлдирадилар.

Корхонадаги мураббийлар совети ва ўсмирлар совети «Экран» планини ишлаб чиқишди. Бу «Экран»да ўсмирларнинг меҳнат кўрсаткичлари ва ўзлаштиришлари ҳақидаги маълумотлар акс этади. Айни пайтда шу варақада ўсмирнинг неча сўм маош олаётганлиги ҳам айтилади. Айни пайтда унинг ахлоқи, жамоат ишларида қандай иштирок этаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилади. Ҳар бир цехда мураббийлар бурчаги ташкил қилинган.

Университетнинг навбатдаги машғулотида «Ишчи ёшларнинг меҳнат тарбияси», «В. И. Ленин коммунистик меҳнат ҳақида», «Ишчи ёшларни маънавий тарбиялаш» деган темаларда лекциялар ўқиш планлаштириб қўйилди. Мисоллар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаётидан олинади.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ

Фарғона водийсида кекса Қувасой цемент комбинати реконструкция қилина бошланди. Бу ерда ишлаб турган икки печь узунлигини 150 метргача етказиш мўлжалланади. Бошқа иккита айланма печнинг диаметри катталаштирилади. Натижада йилига яна 350—400 минг тонна цемент олиш мумкин бўлади. Беш йилликнинг учинчи йили меҳнат вахтасида турган Қувасой цементчилари программадан ташқари 7 минг тонна қимматли бинокорлик материали ишлаб чиқаришга сўз бердилар. Корхона коллективи шу мажбурият ҳисобига истеъмолчиларга — Ўрта Осиё ирригаторларига 3,5 минг тонна қурилиш «нони» жўнатдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

«Навоназот» ишлаб чиқариш бирлашмасида сунъий жун ишлаб чиқарадиган линия реконструкция қилинди. Бу янгилик ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилади, меҳнат унумдорлигини оширди. Янги техникани қўллаш ва технологияни такомиллаштириб химикларга йил бошидан буён ўтган йилнинг шу давридагидан 3.5 миллион сўмликдан кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон берди.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Анқонинг уруғи»

Шаҳарда электр лампа танқислиги сезилаётгани газетанинг 31 март сонида босилган материалда кўрсатилган эди.

Савдо бош бошқармаси редакцияга қуйидагиларни маълум қилди: бошқарма бу масала бўйича республика Савдо министрлигига мурожаат қилди ва қўшимча электр лампочкалар ажратилишини сўради. Шунингдек тегишли ташкилотларга мактуб юборилди.

Министрлик шаҳарга бир миллионга яқин қўшимча лампочка ажратди. Электр лампа танқислигини бартараф этиш учун бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда.

«Қурилиш чўзиляпти»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда уй-жой қурилиши кўпинча ҳаддан ташқари чўзиб юборилаётгани танқид қилинган эди.

«Главташкентстрой» Бош бошқармасидан олинган жавобда бу масала газетада ўз вақтида ва жуда тўғри кўтарилгани қайд қилинади. Ишни яхшилаш юзасидан чора кўрилди. Жумладан, қурилиш ташкилоти ва буюртмачининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштириш борасида конкрет тадбирлар белгиланди. Шунингдек уй-жой биноларини 1978 йилда вақтида фойдаланишга топширишнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди. Қурилишда металлдан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида ҳам тадбирлар белгиланди.

«Келишди-ю кетишди»

Октябрь районидаги Дархон ва Ўзгариш кўчаларини қурилишдан кейин 75-қурилиш бошқармаси ремонт қилмай кетгани газетанинг юқоридаги сарлавҳали материалида танқид қилинган эди.

Олинган жавобда кўрсатилишича, кўчалар тартибга келтирилган ва асфальт ётқизиш планлаштирилган.

«Лой кўча»

Октябрь районидаги Маҳтумқули кўчасига кишин-ёзин сон кирмаётгани газетада босилган материалда танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасининг хабар қилишича, бу кўча ремонтдан чиқарилган. Колхоз кўчасига асфальт ётқизиш эса планлаштирилган.

Жаҳон ойнаси

ФИЛАТЕЛИСТ БУРЧАГИ

БОНН. Франкфурт Майн шаҳрида «Напоста-78» деб номланган почта маркалари виставкаси очилди. Виставкада Ғарбий Германиядан 470 та ва чет мамлакатлардан 17 та филателистлар союзи қатнашди. Совет Иттифоқи виставкасида Москвада ўтадиган олимпиадага бағишланган почта маркалари сериясини намойиш қилди. Бу маркалар филателистлар эътиборини дарҳол ўзига тортди. Виставканинг Совет бўлими Ғарбий Германия телевиденияси орқали кўрсатилди.

СОФИЯ. Старазагора шаҳрида «Болгария—СССР» халқаро филателистика виставкаси очилди. Виставка Болгария филателистлар союзи, БХР алоқа министрлиги ҳамда болгар—совет дўстлиги умумхалқ комитети томонидан ташкил этилди.

Виставкада 25 мингдан кўп почта маркаси намойиш қилинди. Кўпгина маркалар Совет Иттифоқи ва Болгария тарихидаги муҳим воқеаларга болгар — совет дўстлигининг шонли даврига бағишланган.

Ғалаён давом этмоқда

Заирдан олинаётган маълумотларга кўра, мамлакатнинг марказий ва шимоли—шарқий районларида ҳукуматга қарши ғалаёнлар давом этмоқда. Жумладан, Уганда билан чегара яқинидаги Буниа шаҳри ва Судан чегарасидаги Аба шаҳри қўзғолончилар қўлида эканлигини хабар қиладилар. Қўзғолончилар кўпдан-кўп қурол-яроғларни ўлжа олганлар.

Маълумки, май ойининг бошларида Шаба вилоятининг жанубий қисмида ҳукуматга қарши катта қўзғолон бошланган эди. АҚШ бошчилигидаги НАТО мамлакатлари бу қўзғолонни бостириш учун Заирга қуролли интервенцияни уюштирдилар.

НАТО қўшинлари Заирни босиб олганлигини Вашингтон Африкадаги миллий озодлик ҳаракатларига ва тараққийпарвар давлатларга қарши фойдаланиш учун «миллатлараро кучлар»ни вужудга келтириш йўли билан ниқоблашга уринмоқда. Бельгия мудофаа министри «Стандаард» газетасида босилган суҳбатида ана шу кучларни вужудга келтиришда Қўшма Штатлар асосий роль ўйнайди, деб дангал айтди.

Бонннинг Тульпенфельд участкасида қад кўтараётган янги ҳукумат биноси кварталн. СУРАТДА: Матбуот уйи. Иккинчи планда (ўнгда)— — Бунгестаг биноси.

ТАСС фотохроникаси.

ЧАДДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ПАРИЖ. Чад Республикасидан олинаётган маълумотларга қараганда, у ерда пойтахт — Накаменидан 300 километр шимоли-шарқдаги Ати шаҳри районида ҳукумат қўшинлари билан Чад миллий-озодлик фронти (Фролина) отрядлари ўртасида жанглар давом этмоқда. Франция мудофаа министрлиги Франция ҳарбий хизматчилари ҳукумат қўшинлари томонида туриб жангларда қатнашаётганликларини маълум қилди.

Франциянинг Чад ички ишларига бевосита ҳарбий аралашуви мана шу марказий Африка мамлакатидаги кескин аҳволни янада оғирлаштириб юборди. «Африк—ази» журналининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда у ердаги француз қўшинларининг сони 5 минг кишига етади. Франция ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари қўзғолончиларнинг позицияларини кенг кўламда бомбардимон қилмоқдалар. Фролинага қарши барча ҳарбий операцияларга француз офицерлари раҳбарлик қилмоқдалар.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. АЛИЕВ: Мактабни тугаллагандан сўнг киномеханиклар тайёрлайдиган билим юртига ўқишга кирмоқчи эдим. Тошкентда ана шундай билим юрти бор деб эшитдим. У ерда ўқиш муддати қандай? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги 11-техника билим юртида киномеханиклик ихтисослигини эгаллаш мумкин. Бу билим юрти Физкультурная кўчаси, 8-уйда жойлашган. Бу ерда ўқиш муддати бир йил. Билим юртига 16 ёшдан бошлаб ёшлар қабул қилинади. Билим юртига кирадиганлар 8-10 синф маълумотига эга бўлишлари керак.

* * *

Ғ. РИЗАЕВ: Кейинги пайтларда шаҳримиз аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш борасида қандай янгиликлар юз берди?

Жавоб: «Ташгортрансэкспедиция» шаҳар бирлашмаси ҳамшаҳарларимизга транспорт хизмати кўрсатишнинг янги-янги хилларини жорий этмоқда. Яқинда бирлашма коллективи аҳолига хизмат кўрсатишнинг яна бир усулини йўлга қўйди. Эндиликда ҳамшаҳарларимизга уларга келган посилкалар уйларига элтиб бериладиган бўлди. Бунинг учун 33-21-52 рақамли телефон орқали буюртма бериш ёки бевосита агентликнинг ўзига— Т. Шевченко кўчаси, 56-уйга мурожаат қилиш мумкин.

* * *

Ш. ИНОЯТОВ: Саёҳатлар даври бошланяпти. Саёҳатга чиққан кишилар ҳар эҳтимолга қарши зарур бўлиб қолган тақдирда биринчи ёрдам кўрсатиш аптечкасини ўзлари билан олиб кетишлари лозим. Айтингчи, бундай аптечкада қандай дори-дармонлар бўлиши керак?

Жавоб: Йўлда кетаётган пайтда зарур бўлиб қолган ҳолларда биринчи ёрдам кўрсатиш учун «Биринчи ёрдам кўрсатиш универсал аптечка»сини бирга олиш керак. Бундай аптечкалар шаҳримиз дорихоналарида мавжуд. Унда 22 та предмет комплектлашган. Булар орасида дори-дармонлар, бойлов материаллари, дезинфекция қиладиган воситалар бор.

* * *

Н. ЭГАМБЕРДИЕВА: Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича плакатларни қаердан олса бўлади?

Жавоб: Йўл ҳаракати хавфсизлигига оид плакатларни ва ўқув қўлланмаларни тарқатиш ишлари билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекциясининг пропаганда бўлими шуғулланади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси Мурод Алимов кечқурун соат 11 ларда Оқтепа майдонида эди. У Ғафур Ғулом кўчасининг серқатнов қисмидан (мебель магазинидан то трамвай бекатигача) атиги тўққиз метр йўлни босиб ўтиши лозим эди. Алимов фақат олти метр йўлни босиб ўтишга улгурди. Уни енгил автомобиль уриб йиқитди. Алимов суяги синган ҳолда тез ёрдам клиник касалхонасининг травмотология бўлимига ётқизилди. Кейинчалик маълум бўлишига қараганда. ана шу бахтсиз ҳодисага ортиқча ичилган арoқ сабаб бўлган экан.

Халқнинг оташин фарзанди

В. В. КУЙБИШЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

В. И. Ленининг сафдоши, Коммунистик партия ва Совет давлатининг машҳур арбобларидан бири Валериан Владимирович Куйбишев Омск шаҳрида туғилди. Куйбишевлар оиласи тез орада унчалик катта бўлмаган Кокчетав (ҳозирда Қозоғистон ССРнинг область маркази) шаҳарчасига кўчиб келди. Бу ерда унинг болалик йиллари ўтди. Куйбишев ўсмирлигидаёқ Омск ёшларининг революцион юришларида қатнашади, яширин адабиётлар билан танишади. Ўн олти ёшида большевик бўлди. 1905 йилда ёш Куйбишев Петербургга жўнайди ва у ерда ҳарбий-медицина академиясига ўқишга киради, лекин ўзининг революцион фаолияти туфайли ўқишни давом эттиролмайди. В. В. Куйбишев бошқа революционерлар билан бирга Москвада декабрь қўзғолони қатнашчилари учун қурол-яроғларни Финляндиядан олиб келишда қатнашади. 1906—1916 йилларда Петербургда, Сибирда, Шимолий Қозоғистонда, Вологдада, Самара (ҳозирги Куйбишев)да, Харьковда революцион ишларни олиб боради. Ана шу йилларда В. В. Куйбишев саккиз марта қамоққа олинади, уч марта судланади, уни тўрт марта сургунга жўнатишади, лекин Чор ҳокимиятининг таъқиблари уни чўчита олмади.

Февраль революцияси Куйбишевнинг Шарқий Сибирга навбатдаги сургунидан қутилишда ёрдам берди. Ажойиб пролетар революционери Самара губерниясида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасида актив қатнашди. Революция тантана қилгандан кейин бу ерда губерния ижроия комитети ва революцион комитетнинг раиси қилиб тайинланди. Гражданлар уруши йилларида оташин фарзанд Қизил Армиянинг талантли раҳбари бўлиб етишди, биринчи ва тўртинчи армия революцион ҳарбий кенгашнинг аъзоси, шундан кейин Шарқий фронтнинг жанубий группасидаги революцион ҳарбий кенгашнинг аъзоси, ундан кейин эса ўн биринчи армия революцион ҳарбий кенгашининг аъзоси бўлди. В. В. Куйбишев 1919 йилда РКП(б) Марказий Комитети, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича аъзоси этиб сайланди. Бу комиссия Ўрта Осиё халқларининг ички ва ташқи душманларга қарши олиб бораётган курашида ҳар томонлама ёрдам бериш учун ташкил этилган эди.

Куйбишев 1919 йилнинг 4 ноябрида комиссиянинг бошқа аъзолари билан бирга Тошкентга келди. Бу ерда унга партия ишлари ва ҳарбий ишларга раҳбарлик қилиш топширилди.

Туркистон комиссияси ва Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг дастлабки йиғилишидаёқ В. В. Куйбишев у ва унинг ўртоқлари Россия пролетариатининг халқаро империалистларига қарши олиб борган икки йиллик кураши тажрибасидан фойдаланиб Туркистон ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашларига ёрдам бериш мақсадида Тошкентга келганлигини гапириб берди.

В. В. Куйбишев Туркистонга келганлигининг дастлабки кунларидаёқ ишларнинг аҳволи билан синчиклаб танишди ва бу ҳақда В. И. Ленинни, партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини батафсил хабардор қилиб турди.

В. В. Куйбишев Туркистон фронти қўшинларини қайта ташкил қилиш борасида катта ишларни олиб борди. Тошкентга келганлигининг иккинчи кунидаёқ қизил командирлар мактабининг битирувчилари олдида нутқ сўзлаб, бу ерда Марказий Россиянинг намунаси бўйича янги армияни қуриш лозим эканлигини уқтириб ўтди. В. В. Куйбишевнинг таклифи бўйича Туркистон Компартияси Марказий Комитети Қизил Армия қисмларида сиёсий ишларни олиб бориш учун партиянинг 250 аъзосини сафарбар қилди.

В. В. Куйбишевнинг шахсан ўзи фронтга бориб Каспий бўйи фронтида, Фарғона водийсида олиб борилаётган жанговар операцияларда бевосита иштирок этди. У Туркистон Коммунистик партиясини мустаҳкамлаш ва унинг жанговар қобилиятини ошириш борасида катта куч-ғайратини сарф этди.

В. В. Куйбишев партия конференцияларида, коммунистлар, ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг йиғилишларида тез-тез сўзга чиқиб турар эди.

Туркистон комиссияси партиянинг миллий сиёсатини оғишмай амалга ошира бориб, улуғ давлатчилик шовинизмига ва маҳаллий буржуазия миллатчиларига қарши муросасиз кураш олиб борди. Интернационалист — ленинчи В. В. Куйбишев ана шу ишда ҳам жуда катта куч ва ғайрат сарф этди. Туркистон комиссияси 1920 йил 9 сентябрида В. И. Ленинга хабар қилиб: «...Ўртоқ Куйбишев РСФСРнинг Бухоро революцион комитети қошидаги вақтли Муваққат вакили қилиб тайинланди ва унга сиёсий ва партиявий раҳбарликни олиб бориш топширилди...» В. И. Ленининг топшириғини бажара туриб, В. В. Куйбишев эндигина туғилган Бухоро Халқ Совет Республикасида халқ — демократик тузумни мустаҳкамлашга кўп куч сарфлади.

1920 йилнинг охирида янги масъулиятли иш Валериан Владимировични Москвага чорлади. У бу шаҳарга Туркистон делегациясининг составида Советларнинг VIII съездига жўнади. Кейинчалик ВЦСПС, СССР Халқ Хўжалиги Кенгаши, Давлат план комитети, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва меҳнат ва мудофаа кенгашида Совет контроли Комиссиясида ўз фаолиятини давом эттирди. ВКП(б) Марказий Комитети сиёсий бюросининг бўлғуси аъзоси В. В. Куйбишев ҳамиша Ўрта Осиё республикаларининг халқлари билан яқиндан алоқада бўлди. У охирги марта 1934 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида Ўзбекистонга келди. 100 колхоз, 30 районни бориб кўрди, Тошкентда нутқ сўзлади.

А. А. Икромов ўшанда бундай деб ёзган эди: «Валериан Владимирович пахта тайёрлаш бўйича ишларни йўлга қўйиш ва ташкил этишда шундай ютуқларга эришдики, пахта тайёрлаш муваффақиятли ўтказилиши учун ҳамма куч ва ғайрат оёққа турғазилди».

Партиянинг садоқатли фарзанди Валериан Владимирович Куйбишевнинг гўзал, жўшқин кураш, қаҳрамонона ҳаёти билан уриб турган юраги уришдан тўхтади. Лекин халқ оташин фарзандининг хотираси ҳамиша барҳаётдир. Тошкентда Куйбишев райони, Куйбишев кўчаси, Куйбишев шоссеси бор. Улуғ пролетар революционер ва давлат арбобига ҳайкал ўрнатилган.

А. МИЛИРУД,
Тошкент Давлат архивининг ходими.

СУРАТДА: Тошкентда В. В. Куйбишевга ўрнатилган ҳайкал.

В. Энкер фотоси.

Владимир ЧВАНОВ

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Бу китоб эл осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишни ўз фаолиятининг асоси деб билган милиция ходимларининг кундалик оғир ва шарафли ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

Муаллиф ёшларининг тақдирларига алоҳида эътибор беради. Милиция полковниги, жиноят қидирув бошқармаси ходими Владимир Федорович Чванов ўсмирларнинг маънавий дунёси сиру асрорлари ҳақида алоҳида меҳрибонлик билан сўз юритади, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги сохта қаҳрамонлик, ясама фидойиликлар замиридаги эзгу фазилатларнинг куртаклари ниш ураётганини ҳам кўрсатади.

Китоб «Ёш гвардия» нашриётида Олимжон Аҳмаджонов таржимасида нашр этилмоқда. Қуйида шу асардан парчалар ўқийсиз.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Январь ойининг бошлари. Совуқ ва изғиринли кунларнинг бирида уй ўғрилари тўдасини ушлашга тайёргарлик кўрардик. Улар роппа-роса соат ўн иккида Горький кўчасидаги Марказий телеграф олдига келишлари керак эди. Уларнинг белгиларини яхши билганимиз учун операциянинг муваффақиятли чиқишига ишончимиз комил эди.

Телеграф олдига икки машинада келдик. Уч киши эдик. Кейинги машинани бўлажак «пассажирлар» учун олгандик.

Биз кўчада гўё бир-биримизни билмайдигандек бўлиб турардик. Изғирин суяк-суягимиздан ўтиб борар, на чекишнинг, на исиниб олишнинг иложи бор, ўғрилар ҳам келавермасди. Операцияни қолдиришга қарор қилдик. Гаплашиб ва исиниб олиш учун телеграф вестибюлига йиғилдик.

Кайфиятимиз жуда ёмон — бундан баттар бўлиши мумкин эмас эди. Иш чигаллашди. Биз ушламоқчи бўлган ўғрилар пихини ёрган каззоблар бўлиб, ҳозир уларни кутиб, совуқ қотиб турганимизда нима билан шуғулланаётганликлари бизга маълум эмасди.

Кутилмаганда диққат-эътиборимизни икки йигит тортди. Улар биз қидириб юрганларга ўхшамасди, лекин биз уларнинг олдига келиб, ҳужжатларингизни кўрсатинг, дея илтимос қилдик.

Бу шунчаки қизиқиш эмасди.

Йигитлар пальтоларининг тугмаларини ечиб даста-даста пулни пала-партишлик билан чўнтакларига тиқишарди.

Улар оддий кийинишган, ўзларини хотиржам тутишарди. Бизни шубҳага солган нарса пулнинг миқдори ҳам бўлмай, балки уни одатий бир бесаранжомлик билан чўнтакларига уришлари бўлди.

Маълум бўлишича, йигитлар ҳозиргина Ахалкалаки шаҳридаги ота-оналаридан почта орқали пул олишган экан. Грузияда шундай кичкина бир шаҳарча бўлиб, у Боржомидан саксон километр масофада жойлашган.

Иккови ҳам дарров паспортларини кўрсатишди. Москвада туриш учун вақтинча прописка қилинган. Фамилиялари — Гаспарян ва Падаров.

— Нега пропискангиз вақтинча?— деб сўрадим мен.

— Биз институтнинг кечки бўлимида ўқиймиз, кечкиларга институт ётоқхонасидан жой берилмайди.

— Қаерда ишлайсизлар? — қизиқиб сўради оператив группамизнинг ходими Евгений Меркулов.

Маълум бўлишича, йигитлар озиқ-овқат магазинида ишчи бўлиб ишлашаркан. Гапларимизга ишонишсин деб, бизга ишлаётганликлари тўғрисидаги справкани ҳам кўрсатишди.

Эҳтимол, ҳар қандай ишда бўлгани каби бизнинг ишимизда ҳам олтинчи бир сезги— профессионал интуиция бўлса керак. Бошиданоқ шу вазиятнинг ўзи: катта пул... ва озиқ-овқат магазинида ишлашлари менга шубҳали туюлди. Мен ахалкалакилик йигитлар ишлаймиз, деган магазинга телефон қилдим.

Директор ҳеч қачон Гаспарян ва Падаровлар магазинда ишламаганлигини ишонч билан айтди...

Телеграф олдига келмаган уй ўғриларини биз ўша куни кечқурун қўлга туширдик. Тинтув, сўроқ, одатдаги юзлаштиришлар бошланиб кетди, командировкага бориб келинди, хуллас студентлар билан кейинроқ шуғулланишга тўғри келди.

Мен институтга ойнинг охиридагина боришга муваффақ бўлдим.

Кечки бўлим студентларининг рўйхатида ҳақиқатан ҳам Гаспарян ва Падаровнинг фамилияси бор эди.

Падаровнинг шахсий делоси билан таниша туриб, мен унинг қабул имтиҳонида ёзган иншосига эътибор бердим. Иншо шошилмасдан ҳуснихат билан, бирор жойини ифлос қилмасдан, пухта ўйлаб, қуруқ назарий тарзда ёзилган. Иншода бирор ортиқча сўз ёки вергул ҳам йўқ. Ҳаммаси жойида эди Кечагина ўнинчи синфни тамомлаганлар ҳам бундай ёзолмайди. Имтиҳонда уларнинг тақдири ҳал бўлади. Мен графолог эмасман, лекин менимча, ҳаяжонланиб турганингда битта-яримта хато, нуқсонсиз ёзиб бўлсан. Ўзим ҳам имтиҳонда иншо ёзганман, лекин бунчалик силлиқ чиқмаганди. Ўртоқларимнинг иншоси ҳам бунчалик чиқмаган. Падаров билан бирга ёзган бўлажак студентлардан кўпчилигининг иншоси ҳам бутунлай ўзгача эди.

Биламан, хотираси жуда кучли одамлар бор, лекин имтиҳонда ёзилган иншода ёддан ярим бетлаб цитата келтириб, ҳамма тиниш белгиларни жой-жойига хатосиз қўйган бўлса, мен бунга, очиғи, ишонмайман. Цитата кўчириб ёзилган, деган тахминга борасан киши. Яна ким билади дейсан, ҳаётда «донишмандлар тушига ҳам кирмайдиган» нарсалар ҳам бўлиши мумкин

Падаров иншосида Белинскийдан цитата келтирилган. Бу жуда мураккаб цитата бўлиб, Падаров эсида сақлаб, иншода тўла-тўкис ёзипти-я.

Мен у билан учрашиб, суҳбатлашмоқчи бўлдим. Лекин, учрашишимдан асосий мақсадимни билмаслиги керак эди. Одамни ташвишга солишнинг нима кераги бор, ахир, қўлимда ҳали ҳеч қандай далил йўқ-ку,

Биринчи курс студенти Падаровнинг қариндоши машинасида Москва бўйлаб тез-тез айланиб юришини билиб олдик. Падаровда машинага ишонч қоғози бор экан.

Гарчи йўлда содир бўладиган ҳодисалар билан биз эмас ОРУД— ГАИ шуғулланса ҳам, мен Падаровни жиноят қидирув бўлимига таклиф қилдим. У менинг кабинетимга дадил, қўрқмай, ҳеч қандай айби йўқ кишидай кириб келди. У мени танимади, мен ҳам Марказий телеграф вестибюлида учрашганлигимни эслатиб ўтирмадим.

— Мени шу хонага чақиртиришипти. Сизга бўлса керак?

— Ҳа, менга. Ўтиринг. Чекишни истасангиз, чекинг. Гугуртингизни бериб турсангиз, меники тугаб қолибди.

У ронсон зажигалкасини «чирс» эткизиб ёқди. Охирги моделли зажигалка. Ўзи эса «Памир» сигаретасини чекди, пачкани намойишкорона стол устига қўйди, сигаретанинг бу тури унинг учун янги ва бу пачкани атайлаб мурдагина чекиш учун олганлиги шундоққина билиниб турарди.

— Айтингчи, Падаров, — деб сўрадим мен,— кеча кечқурун Маяковский майдонидан «Москвич» машинасида ўтаётганларингда нима воқеа рўй берди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ шекилли....— жавоб берди у. Ўйланиб қолди, пешанасини тириштирди ва такрорлади:— Ҳеч нима.

— Менда Сизга ишонмасликка асос йўқ, лекин авариядан кейин инспектор машинангизнинг номерини ёзиб олипти. У янглишган бўлиши ҳам мумкин, лекин мен текширишга мажбурман. Эҳтимол рулда бошқа киши ўтиргандир. Сизларнинг машинангизни бирор киши олиб қочмаганмиди?

— Қандай авария? Маяковский майдонида нима бўлибди?

— Қўрқинчли жойи йўқ, лекин сизнинг «Москвич»ингиз номери ёзилган.

— Мен билан бирга дўстларим бор эди. Улар тасдиқлайди. Сергей Гаспарян...

— Менга қаранг,— дедим мен, — бир варақ қоғоз олинг-да, бўш столга ўтириб, шошилмасдан сизлар Маяковский майдонидан қандай юрганларингни ёзиб беринг. Гувоҳларнинг фамилиясини ҳам кўрсатишингиз мумкин, башарти бирор зарурат туғилиб қолса, сизнинг сўзларингизни тасдиқлаш учун.

У аввал хомаки текстни ёзди, кейин эса оққа кўчирди, мен дераза олдида туриб, ёзиб бўлишини кутдим.

У ишни бошлашим учун менга ажойиб ҳужжат берди-да! Бир саҳифада шунчалик кўп хато ҳисобладимки, энди ҳеч қандай шубҳам қолмади. Падаров имтиҳон иншосини «аъло»га ёза олмасди.

Имтиҳонларда бир-биридан кўчириш ҳоллари бўлади. Жиноят қидирув бўлими бунақа ишлар билан шуғулланмайди, лекин мени бошқа нарса қизиқтирарди.

Мен аввал бошиданоқ Падаров иншони имтиҳон топшириш шароитида эмас, балки уйда ёзган деган шубҳа пайдо бўлган эди. Фақат бир нарса институт штампи босилган варақни қаёқдан олдию, иншо темасини қаердан билди, буни тушуниш қийин эди.

— Менга қаранг Падаров, сиз Белинскийни қаёқдан бунчалик яхши биласиз-а?— деб сўрадим мен.

—Қайси Белинскийни?

— Виссарион Григорьевични.

— Ҳеч қандай Белинскийни билмайман, —деди у.

— Мана буларни эшитмаганмисиз?— сўрадим мен ва унинг иншосидан кўчириб олинган цитатани ўқиб бердим.

— Биринчи марта эшитишим,— очиқ иқрор бўлди у.— Кўриниб турибди, ақлли одам ёзган.

— Ўша Белинскийнинг ўзи. Сиз уни ҳеч қачон ўқимаганмисиз?

— Йўқ, тўғри келмаган...

— Унда сиз қандай қилиб ундан цитата келтирасиз?

— Қаерда цитата келтирибман? Мен бу Белинский тўғрисида биринчи бор эшитаяпман! Ким сизга мени ундан мисол келтирган, деб айтган? Бўлса, чақиринг!

— Ҳа, мен ўзим кўрдим, Сизнинг кириш имтиҳонида ёзган иншойингизда. Мен фақат сиз ёзган иншони ўқиб чиқдим. Эҳтимол, Белинский тўғрисида эшитарсиз ва айтиб берарсиз?

[Давоми бор].

Табиат бойликлари

ДЕНГИЗЛАР ИНЪОМИ

САЙЁРАМИЗ юзасининг етмиш процентидан ортиғини ташкил этган океан ва денгизлар бағрида битмас-туганмас бойликлар яширинган. Уларнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами турли-тумандир. Машҳур совет иқтисодчи олими, академик С. Г. Струмилин фикрича келажак экономикаси Тинч океан экономикаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Океан ва денгизлар бойлиги инсон диққатини жуда қадимдан ўзига тортиб келади. Денгизларда 16 минг хилдан ортиқ балиқлар яшайди: уларнинг кўпчилиги инсон учун озиқ-овқат бўлиб хизмат қилади. Бизнинг балиқчилик саноатимиз йилига ўн миллионлаб центнер балиқ маҳсулотларини етказиб беради. Океан ва денгиз сувларида миллиард тонналаб химия саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар хил тузлар эриган.

Ош тузи, калийли, магнийли ва бошқа тузлар кўпчилик давлатларда ҳозиргача денгиз сувидан ажратиб олинмоқда. Океан ва денгизлар темир, марганец ва титан сақловчи қумларни, фосфор, магнетит, олтин, платина, олмос каби қимматли элементларнинг жуда катта манбаидир.

Бизнинг Ватанимиз территориясидаги денгизлар химия саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига минерал бойликлар етказиб берувчи асосий манба бўлаолади. Булардан йилига миллионлаб тонна ош тузи, минерал ўғитлар учун хом ашё ва бошқа қимматли бирикмалар олинмоқда. Ғарбий Туркманистонда 18 минг квадрат километр майдонни эгаллаган Қора-Бўғозкўл жойлашган. Бу кўл Каспий денгизи билан туташган бўлиб, эни 250 метр, бўйи 10 километрга чўзилган. Унга Каспий денгизидан йилига 135 миллион тонна тузи бўлган 10 куб километр сув қуйилади. Бу кўлда йиллар давомида йиғилиб қолган туз миқдори миллиардлаб тоннани ташкил этади. Дунёда бу кўл каби туз бассейни йўқ деса бўлади. Иссиқ ва қуруқ табиий шароит бу ерда кўл сувининг тинимсиз буғланиши ва тузнинг кристалланиши учун қулай восита бўла олади. Йилнинг турли фасллари ва турли ҳароратда бу кўл сувидан ҳар хил тузлар чўкмага тушиб ажраладилар. Бу кўлга одамлар жуда қадимдан қизиқиб келганлар. Бу кўл 1715 йилда рус денгизчилари — Бекович-Черкасский раҳбарлигидаги экспедиция томонидан очилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ доҳий В. И. Ленин бу кўлдаги тузлардан саноат мақсадлари учун фойдаланиш масаласи билан қизиқади. 1918 йил апрелида Бутунроссия Марказий Ижроия комитети халқ хўжалигини ривожлантириш масаласига бағишланган мажлисда сўзга чиқиб, Қора-Бўғозкўл химия саноатини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. Кўлнинг минерал бойликларини тўла ўрганиш ва улардан саноат миқёсида фойдаланиш мақсадида 1918 йилда Бутуниттифоқ халқ хўжалик кенгаши қошида Қора-Бўғозкўл комитети, кейинчалик эса «Қора-Бўғозсульфат» тресги ташкил этилади.

1918 йилдан бошлаб совет олимлари, кимёгарлари, тузчилар, айниқса, Н. С. Курнаков раҳбарлигида ташкил этилган физик-кимёвий анализ илмий мактабининг ходимлари кўлни гидрохимиявий режими, унинг илмий асослаш ва кўлдаги тузлардан комплекс фойдаланиш йўлларини қидириш борасида жуда кўп меҳнат қилдилар. Кўл яқинида «Қора-Бўғозсульфат» комбинати қуриб ишга туширилди. Бу комбинатда натрий ва магний сульфатлар, магний, хлорид, гипс, ош тузи ва бошқа бирикмалар кўл сувидан ажратиб олинади.

Ҳозирги кўл сувидан калий ва магний сульфат тузларини биргаликда ажратиб олиш ва улардан Ўрта Осиёнинг шўр босган зоналарида пахта учун ўғит сифатида фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Ош тузи натрий хлоридни олимлар ҳаёт кристаллари деб бежиз айтишмайди. Юз йиллар давомида ош тузи давлатлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қилиб келди. Ош тузи қонли урушларга сабаб бўлди. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам ош тузи азиз меҳмонлар учун ҳурмат рамзи бўлиб хизмат қилади.

Ош тузи инсон ва ҳайвонлар ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайди. У қон таркибига киради, ошқозон ширасида туз кислотасининг ҳосил қилувчи манба бўлади. Қон плазмасида туз миқдорининг камайиши организмда модда алмашиниш процессининг бузилишига, плазма ва тўқималар чегарасидаги осмотик босимнинг камайишига сабаб бўлади.

Одамлар ош тузини денгиз ва кўллар сувидан жуда қадим замонлардан бошлаб ажратиб ола билганлар. Совет Иттифоқи территориясида минглаб катта ва кичик кўллар жойлашган. Энг катта кўллардан бўлган Эльтон (юзаси 205 квадрат километр) ва Босқинчоқ (юзаси 115 квадрат километр) кўлларидан одамлар 1747 йиллардан бошлаб ош тузини ажратиб олабошлаганлар. Ош тузининг жуда катта запаслари бор бўлган бу кўллардан ҳозирда механизация ёрдамида йилига миллионлаб тонна қимматли хом ашё ажратиб олинмоқда.

Ош тузи фақат озиқ-овқат саноатидагина ишлатилиб қолмай, у кимё саноатининг қимматли хом ашёсидир. Ундан саноат миқёсида натрий ва хлор, сода, бўёқлар, туз кислотаси ва бошқа минглаб кимёвий бирикмалар ишлаб чиқарилади.

Океан ва денгизлардан фақат ош тузигина олинаётгани йўқ. Улар ҳосилдорлик элементлари бўлган калий ва магний, микроэлементлар, молибден, рух, бор, мис, фтор, бром, йод, хлор каби қимматли элементлар бирикмаларининг асосий манбаидир.

Ер шарида 2,5 процент миқдорида калий элементи бўлиб, у юздан ортиқ минераллар таркибига киради. Калийнинг жуда кўп тузлари сувда эримайди. Азот ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирса, фосфорли ўғитлар тупроқ ҳолатини яхшилайди. Калий бирикмалари эса ўсимликнинг ҳосилдорлигини оширади. Ерга солинган ҳар бир килограмм калий дон ҳосилини 6—8 килограмм, қанд лавлаги ҳосилини 50—60 килограмм, каноп ҳосилини 10—15 килограммга оширади.

Калийли ўғитлар айниқса картошка ҳосилдорлигини оширишга кўпроқ ёрдам беради. Шўрланган ноқоратупроқ зоналарга солинган калийли ўғитлар картошка ҳосилдорлигини гектар бошига 28 центнерга оширади.

Октябрь революциясига қадар калий тузлари Ватанимизга Германиядан олиб келинар эди. Иттифоқимизда калий конларини очишда академик Н. С. Курнаковнинг хизматлари ғоят катта бўлди. Калийнинг ғоят катта запаслари Соликамскда, Верхнекамскда, Ғарбий Украинада топилди, уларни калийли ўғитларга қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Ўрта Осиёда калий минераллари Ҳисор тизмаларида, Гаурдоқ (Туркманистон ССР) ва бошқа жойлардан топилди. Бу минералларнинг таркиби ва хоссалари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтидаги ўғитлар лабораториясининг бошлиғи академик М. Н. Набиев ва унинг шогирдлари томонидан тўлиқ ўрганилди. Ҳозирги вақтда бу минераллар асосида республикамизда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Денгизлар оҳактош, алебастр каби қурилиш материалларининг ҳам асосий манбаидир. Оҳактош, гипс ва алебастрнинг қурилиш материали сифатидаги аҳамияти ҳаммага маълум. Булар ҳозирги кунда жуда катта миқдорда ишлатилмоқда. Фақат Москва Давлат университети биноси учун оҳактошдан тайёрланган икки ярим миллион безак плиталар ишлатилган.

Хулоса қилиб айтганда, денгизлар энг актив «асов» элемент бўлган фтор бирикмаларидан тортиб, нодир металлару шифобахш минераллargача барча-барчасининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади. Табиат инъом этган бу бойликлар инсон бахт-саодати учун хизмат қилади.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати.

☆ МАДАНИЙ ҲАЁТ

Мармар китобча

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейига яқинда Олмаотадан бир гуруҳ меҳмонлар келишган эди. Улар музей билан танишиб, эсдалик учун ўзлари келтирган совғани музейга тақдим этишди. Бу қозоқ халқининг севимли оқини Жамбул Жабаевнинг шеърлар тўпламини эслатувчи мармар китобчадир.

Оқ мармардан ишланган китобчада оқиннинг дўмбира чертиб турган сурати мисда барельеф санъатида акс эттирилган.

Музейга ташриф буюрган меҳмонлар бу каби совғаларни жуда кўплаб тақдим этишмоқда. Шубҳасизки, булар ўзига хос дўстлик рамзини ифода этади. Яқин кунлар ичида дўстларимиз совғалари асосида янги кўргазма очилади.

Ҳисобот концерти

Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юртини битириб чиқувчилар «Баҳор» концерт залида катта ва ранг-баранг программада концерт бердилар. Бу билан улар билим юртида олган билимларидан ҳисобот берадилар. Бу йил ана шу ўқув юрти 200 нафар созанда фортепьяно, скрипка, чанг, най ва бошқа ўзбек халқ чолғу асбоблари классини бўйича болалар музика мактаблари учун ўқитувчи тайёрлаб чиқаради. Улар ишлаш учун республиканинг турли областларига жўнаб кетишди. Баян классини битирувчилар педагог малакаси билан айни бир пайтда ҳаваскорлар оркестрининг дирижёри деган иккинчи дипломни ҳам оладилар.

(ЎзТАГ).

БОҒЧА-ЯСЛИ ИШГА ТУШДИ

Бўстон посёлкасида 50 болага мўлжалланган боғча-ясли ишга тушди. Бу ерда «Бустансовхозстрой» трестининг бўлими 150 кичкинтойга мўлжалланган яна бир болалар боғчасини фойдаланишга топшириш арафасида. Бу йил Жиззах областининг саккизта совхозида мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қуриш кўзда тутилган. Бу боғчалар 1032 кичкинтойни ўз бағрига олади.

(ЎзТАГ).

Бўлажак рақкосалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАЛҚЛАРНИ БИР-БИРИ БИЛАН ЯҚИНЛАШТИРАДИ

«Ҳамма билетлар сотиб бўлинди». Бу эълонни шу кунларда Муқимий номли театр биносида ўқиш мумкин. Бу ерда М. Ғафурий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бошқирдистон академик театри ўз санъатини бир ҳафта намойиш қилади.

Юзлаб тошкентликлар кенг ва ранг-баранг репертуарларини томошабинлар эътиборига ҳавола қилган театр коллективи билан танишиб олдилар. Меҳмонлар репертуари асосан миллий драматургларнинг асарларидан иборат. Спектакллар томошабинни бу йил ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлайдиган автоном республиканинг ҳаёти билан кенг таништиради.

Ўзбекистондаги гастролга бошқирд артистлари тўққизта спектакль олиб келишди. Репертуарга миллий драматургиядан ташқари таниқли турк ёзувчиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати Нозим Ҳикматнинг «Унутилган одам» номли социал драмаси, татар ёзувчиси Г. Кутуйнинг «Жўнатилмаган мактублар» спектакллари киритилган. Гастроллар 10 июнгача давом этади.

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

Ўзини тутабилиш маҳорати

Албатта, «Заря» командаси билан бўлган шанба кунги матчнинг тошкентлик футболчилар учун енгил бўлмаслигини олдиндан айтиш мумкин эди. Одатда «Пахтакор» бу командага қарши яхши ўйнай олмайди. Шунинг учун ҳам матч олдидан футбол программасини тузувчилар тошкентликларнинг «Заря» билан азалдан, кўнгилсиз «ҳисоб-китоблари» борлигини эслатиб ўтишган эди. Икки ўртада бўлган ўн тўрт учрашувдан фақат учтасида улар голиб чиқишган, беш учрашув дуранг натижа билан тугаган ва олти учрашувда «Пахтакор» мағлубиятга учраган эди. Тўплар нисбати ҳам 19:15 «Заря» командаси фойдасига эди.

Ўтган шанба куни тошкентликлар ўзлари учун ҳам, команданинг кўп сонли муҳлислари учун ҳам кутилмаган ҳолда «Заря»га еттинчи марта ютқазиб қўйдилар, тўплар нисбати 20:15 бўлиб қолди. Бу пахтакорчиларнинг бу йилги мавсумда ўз майдонларидаги биринчи мағлубияти эди. Биринчи марта улар майдондан рақиблари дарвозасига тўп киритмай чиқиб кетишди, биринчи марта «Пахтакор»нинг ўйинчиси майдондан чиқариб юборилди.

Кўриб турибсизки, кутилмаган, кўнгилсиз воқеалар оз эмас. Шунинг учун ҳам учрашув ҳақидаги ҳисоботни икки таркибий қисмга: 33-минутда «Пахтакор» дарвозасига тортишувли гол киритилгунга қадар ва бутун ўйинни чиппакка чиқарган ана шу минутдан кейинги воқеалар ҳақидаги икки қисмга бўлишни истар эдик.

Аввалига ўзларининг ҳужумкорлик тактикаларига содиқ қолган тошкентликлар ўйинни меҳмонлар майдонига ўтказиб, «Заря» ўйинчиларини ҳаяжонда тутиб турдилар. Фақат бир неча марта меҳмонлар ҳужум уюштиришга муваффақ бўлишди. Бу хавфли вазиятларни улар тўпни қанотдан қанотга узоқ масофага узатиш билан ташкил этишди. Бу соҳада айниқса тажрибали В. Кузнецов ва ёш ярим ҳимоячи А. Оленев ўзларини кўрсатдилар. Шу билан бирга Кузнецов дарвозани нишонга олишга ҳам улгурарди. Тўғри, юз фоизли дарвозага тўп киритиладиган вазиятлар бўлгани йўқ. Аммо ўнг қанотдан Кузнецовнинг ўтиши ва «Заря»нинг ҳужумчиси А. Полукаровнинг ўз устидан ошириб тепган тўпи эсда қолди.

Пахтакорчиларда эса дарвозани ишғол қилиш учун қулай вазиятлар кўпроқ бўлди. Қуйида «Пахтакор» ҳақида 15 фикр» рубрикаси остида берилаётган мақолада меҳмонлар тренери Ю. Захаров буни инкор этади. Нима ҳам дердик, ўйиннинг у ёки, бу вазияти ҳақида унинг ўз фикри бўлиши мумкин. Биз бу интервьюларга ҳеч қандай тузатиш киритганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам жарима белгисидан киритилган гол хусусида ҳам, (бу голни у тўғри киритилди деб ҳисоблайди) ўйиннинг бошқа вазиятлари ҳақида ҳам «Заря»нинг тренери билан баҳслашиб ўтирмаймиз. Учрашув стенограммасидан айрим фактларни келтирамиз холос.

5 минут. Бурчакдан тепилган тўпни меҳмонлар қайтаришди. Уни эгаллаб олган М. Ан олдинга интилган Загуменнихга етказиб берди. Ҳимоячи тўпни олдинга ташлаб икки рақибини ортда қолдириб, дарвозага яқинлашди. Аммо қулай вазиятдан дарвозани нишонга ололмади.

6 минут. Ўнг қанотдан Убайдуллаев ҳужумга қўшилди. Корченовга тўпни бериб, қайтадан тўпни олди ва уни дарвоза майдончасига оширди. Аммо Ан билан Баканов бир-бирларига халақит беришди. Натижада қулай вазият бой берилди.

10 минут. Макаров билан Фёдоров юқори тезликда бир-бирларига тўп ошириб, Анни қулай вазиятга чиқаришди. Орадан 2 минут ўтгач М. Аннинг ўзи юксак маҳорат кўрсатиб жарима майдонига кириб борди. Аммо бу ҳам дарвозани тўғри нишонга олабилмади.

Пахтакорчилар яна бир неча марта муваффақиятга эришишлари мумкин эди. Фёдоров, Чуркин, Корченов қулай вазиятлардан фойдаланаолмадилар.

Кўриб турибсизки, майдон эгалари устунликка эга эди. Фақат бу устунликни голга айлантириш учун ҳар сафар бир нарса етишмас эди. Менинг назаримда бунга сабаб пахтакорчилар кучли рақиб билан бўладиган ўйинга яхши тайёргарлик кўришмаган, ўз майдонларида ўйинни кўп куч сарфламай ғалаба қозонишларига умид қилишган. Эҳтимол «Заря»нинг турнир жадвалида «Пахтакор»дан қуйида тургани ҳам уларни хотиржам қилган бўлса керак. Тошкентликлар бир нарсани унутиб қўйишди. Бу йил «Заря» составида бундан 6 йил муқаддам СССР чемпионлари олтин медалларига сазовор бўлган, турнир олишувларида чиниққан тажрибали олти ветеран ўйинчи борлигини унутиб қўйишди. Дарвозабон А. Ткаченко, ҳимоячилар В. Малигин, Н. Пинчук, А. Журавлёв, ярим ҳимоячилар А. Куксов ва В. Кузнецов шулар жумласидан. Натижада тошкентликларнинг ҳужуми пухта уюштирилган мудофаага дуч келди.

33-минутдаги воқеа содир бўлмаганда, ўйиннинг қандай туғашини айтиш қийин эди. Меҳмонларнинг қарши ҳужумларидан бирини бузаман деб Агишев кутилмаганда тўпни қули билан тўхтатди. Жарима тўпи тепиладиган ер узоқроқ бўлиб, пахтакорчилар учун айтарлик хавфли эмас эди. Аммо арбитр А. Балаяннинг қўпол хатосидан фойдаланиб, меҳмонлар гол киритишди. Шундан сўнг матч ўз кўркини йўқотди.

Воқеа бундай бўлди. Судья тўпни жарима тўпи тепиладиган ерга қўйиб, ўйинчиларни орқага сура бошлади. Шевлюк тўпни тепмоқчи бўлган эди, пахтакорчиларнинг капитани М. Ан судьяни хабардор қилди. Танаффус пайтида М. Ан учрашув инспекторига маълум қилганидек, арбитр мезбонлар капитанини жарима тўпи хуштак чалинмай туриб, тепилмайди, деб хотиржам қилди. Аммо ҳамма учун кутилмаганда Шевлюк гол киритгандан сўнг А. Балаян ўйинни марказдан бошлаш керак, деб кўрсатди. Танаффус пайтида арбитр ўзининг М. Анга айтган сўзларини ҳам, ўша пайтда у «жонли девор»ни суриш билан овора бўлганини ҳам инкор этди. Албатта, арбитрнинг бевосита ёки билвосита иштирокидан сўнг гол ўтказиб юборилганидан кейин пахтакорчилар қай аҳволга тушиб қолганларини тушуниш мумкин. Қайтараман, Ан, Фёдоров, ўзини тута билмаганлиги учун огоҳлантириш олган Бакановнинг вазиятини тушуниш мумкин, аммо уларнинг ҳаракатини ҳеч қандай оқлаб бўлмайди. Ан, Фёдоров каби юксак малакали футболчиларга судья билан баҳслашиш ярашмайди. Чунки команданинг бошқа ўйинчилари ҳам улардан ўрнак олишга ҳаракат қилишади. Натижада бунгача ўзига қўпол ҳаракат қилишни эп билмаган ёш Баканов ҳам огоҳлантириш олди.

Беихтиёр «Пахтакор»нинг собиқ тренери М. И. Якушиннинг сўзлари ёдга тушади: «Малакали ўйинчилар қўполликка қўполлик билан жавоб беришмайди. Рақибингиз сизни хафа қилса, бунга жавобан сиз гол киритинг. Мана шунда ора очиқ бўлади», деган эди у.

Кўнгилсиз воқеадан сўнг пахтакорчилар худди ана шундай жавоб беришга аҳд қилгандек олдинга ташланишди. Уларни «Пахтакор»нинг тажрибали ярим ҳимоячиси В. Макаров олға бошлади. У икки марта муваффақиятга эришиши мумкин эди. Биринчи ҳолда у Убайдуллаевнинг қанотдан узатган тўпига етолмади, иккинчи ҳолда эса тўп қандайдир тасодиф билан дарвозага киргани йўқ. Дарвоза устунига тегиб қайтди.

Иккинчи таймда тошкентликларнинг ўйинда бурилиш ясашга қаратилган барча ҳаракатлари натижасиз тугади. Майдон эгалари борган сари яккама-якка ҳаракат қилишга, марказдан мудофаани ёриб ўтишга ҳаракат қилишарди. Аммо барча уринишлар оқибатсиз қолди.

Шундай қилиб ўз майдонида биринчи мағлубиятга учраган «Пахтакор» турнир жадвалидаги мавқеига путур етказди, бунинг устига навбатдаги икки ўйинни тошкентликлар Москвада «Торпедо» ва «Динамо» командалари билан ўтказишади. Албатта, 12— 13 очко запасда бўлганда, бу ўйинларга хотиржам тайёргарлик кўриб, ёшларни, у ёки бу комбинацияларни синаб кўриш мумкин бўларди. Энди эса вазият мураккаблашди. Бунинг устига «Заря» командаси билан бўлган ўйинда майдондан чиқариб юборилган В. Фёдоров бир неча ўйинни ўтказиб юбориши керак.

Аммо тушкунликка тушишнинг хожати йўқ. Ўз ўйинини топиш, составни стабиллаштириш, олдинда турган юксак ва масъулиятли вазифани бажаришда ҳар қандай коллективга шундай қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Бу синовдан улар янада чиниқиб чиқишади. «Заря» билан учрашувдаги воқеа пахтакорчилар учун сабоқ бўлади, деб ишонамиз.

Э. АВАНЕСОВ.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 15 ФИКР

Юрий ЗАХАРОВ — «Заря» командасининг катта тренери, спорт мастери.

— Мен Тошкентнинг «Пахтакор» командаси билан ўзим Донецкнинг «Шахтёр» командаси составида ўйнаб юрган вақтимдан бери танишман,— деди ворошиловградлик футболчиларнинг устози ўйиндан кейинги «Оқшом»га берган интервьюсида. Ҳамиша, «Пахтакор» олий лигада ўйнаганида ҳам, биринчи лигада ўйнаганида ҳам командада тўп билан муомала қилиш маҳоратига эга бўлган, майдонда тактик жиҳатдан билимдон футбол усталари бор эди. Стадник, Красницкий, Пшеничников, Абдураимов, Тазетдинов ва бошқалар шулар жумласидан. Бу футболчиларнинг ўзига хос ўйин услуби команданинг ҳаракатида ҳам из қолдирар эди. Шунинг учун ҳам мухлислар «Пахтакор»нинг ўйинларига ажойиб спорт томошасини кузатгани боргандек ташриф буюрар эдилар. Улар пахтакорчилар ўйинда албатта бирор қизиқ комбинация кўрсатишларига ишонишар эди.

Менинг назаримда «Пахтакор»—78 ўзига хос, истиқболи порлоқ командадир. Сабаби команданинг аксарият ўйинчилари, шу жумладан асосий составдан мустаҳкам ўрин эгаллаган ўйинчилар ёш. Шунга қарамай К. Баканов, В. Федоров, М. Ан ва бошқалар фақат ўзлари ўзлаштирган техник усулларга эга бўлиб, майдонда кутилмаган тактик масалаларни ҳал этишлари мумкин. Бу жуда қимматли нарса. Шахсан мен бундай ўйинчиларни ҳурмат қиламан, чунки улар ҳар бир команданинг кўрки бўлиш билан бирга футбол учрашувларининг қизиқарли ўтишига ёрдам беришади.

Мана, бугун ҳам пахтакорчилар ўйиннинг дастлабки минутлариданоқ ҳужумга зўр беришди, тўп киритиб меҳмонларни эсанкиратишга уриниб кўрдилар. Аммо вақт ўтар, «Заря» дарвозаси олдида эса юз фоизли хавфли вазият вужудга келмас эди. Биринчи тайм шундай ўтди. Бунинг сабаби нимадан? Сабаби— биз пахтакорчиларнинг бу ҳужумига олдиндан тайёргарлик кўриб мудофаага зўр берган эдик. Ҳимоячилар, ярим ҳимоячилар ва ҳатто ҳужумчилар ҳам фидокорона ўйнаб ўз дарвозаларини дахлсиз сақлаб қолишга бутун имкониятларини, маҳоратларини ишга солдилар. Улар пахтакорчиларга Ткаченко дарвозасини аниқ мўлжалга олиш учун имкон бермадилар.

Ваҳоланки, юзаки қараганда биз тошкентликлар билан очиқ футбол ўйнашга розилик бергандек эдик. Биз мудофаани мустаҳкамлаб кескин тўпни қанотдан қанотга узатиб қарши ҳужумга ўтиб туришни мўлжаллаган эдик. Мен белгиланган планни бажаришга муваффақ бўлдик, деб ҳисоблайман. Аммо шуни айтиш ҳам керакки «Пахтакор» ўзининг энг яхши ўйинини кўрсата олмади. Биз тошкентлик ҳужумчилар, ярим ҳимоячилардан ҳавотирланар эдик. Улар ҳаракатда, тезликда жуда хавфли. Аммо бу сафар командада енгиллик сезилмади. Ҳатто айрим эпизодларда ҳимоячимиз Игнатенко хатога йўл қўйган пайтларида ҳам пахтакорчилар «Заря» дарвозасига чинакам хавф сола олмадилар. Ўйлайманки, бунга сабаб — тошкентликлар бироз чарчашган. Ахир уларга ўз уйларида жазирама иссиқликда ўйнаш билан бирга Осиёдан Европага тез-тез сафар қилиб туришга тўғри келади. Бошқа сабабни психологик тайёргарликда деб ҳисоблайман. Командада интизом яхши эмасга ўхшайди. Бунда команданинг етакчи ўйинчилари М. Ан, В. Федоров дўстларига намуна бўлишолмади. Арбитр жарима белгисидан киритилган голни ҳисоблагандан сўнг улар майдонда «бозор» қилмасликлари керак эди. Улар жанжалга ўз ўртоқларини ҳам жалб этишди, натижада ёш К. Баканов огоҳлантириш олди. Учрашув охирида Федоров ўзига эрк бериб Куксовни урди («Заря» командасининг устози янглишяпти — турткидан сўнг Федоров Малигинни жавоб тариқасида урди — Э. А.) ва майдондан чиқариб юборилди. Вазиятни бундай қизитишнинг зарурати йўқ эди. Ўтказиб юборилган тўпга жавобан тўп киритиш учун вақт етарли эди. Аммо бутун эътирозларни баҳслашишга сарфлаган «Пахтакор»нинг футболчилари кейинчалик ўйинда бурилиш ясашга илож тополмадилар. Команда ўз характерини қўполликда, судья билан бефойда баҳслашишда кўрсатмаслиги лозим. «Пахтакор»дек қобилиятли команда учун эса бу айниқса номуносибдир. Мағлубиятдан сўнг, бугунги ўйинда содир бўлган воқеалардан кейин ҳам мен пахтакорчилар бу йилги мавсумда кучли олтиликка киришлари лозим деб ҳисоблайман. Албатта, бунинг учун улар ўзларини қўлга олиб ўзларининг ажойиб ўйинларини кўрсатишда давом этишлари керак.

• • •

СУЗ — АРБИТРЛАРГА

Матчнинг бош судьяси, Бутуниттифоқ тоифасидаги арбитр А. Балаян (Боку).

— Ҳа, жарима тўпини тепиш учун хуштак бўлгани йўқ. Ўйин қоидаси бўйича мен бунга хуштак чалмаслигим мумкин. Шевлюк голни тўғри киритди деб ҳисоблайман. Шунинг учун мен ўйинни марказдан бошлаш лозимлигини кўрсатдим.

Матчнинг судья-инспектори А. ТАТАРЖИЦКИЙ, Бутуниттифоқ тоифасидаги арбитр (Куйбишев).

— Голни ҳисоблаб Балаян сўзсиз қўпол хатога йўл қўйди. Тўп тепилаётган пайтда у жонли девор ҳосил қилаётган «Пахтакор»нинг ўйинчилари билан тўпнинг ўртасида эди. Бу билан у ҳозирча тўпни тепиш мумкин эмас демоқчи эди. Аммо кутилмаганда Шевлюк тўпни тепди. Судья голни ҳисоблади ва... ҳақли равишда кўрик комиссиясидан «икки» баҳо олди.

Б. БАКЛУНОВ — Футбол бўйича республика судьялар коллегиясининг раиси Бутуниттифоқ тоифасидаги арбитр.

— Камдан-кам учрайдиган, кўнгилсиз воқеа бўлди. Бокулик судья голни ҳисоблаб маълум даражада ўйинчиларда адолатга ишонч ҳиссига путур етказди. Ва беихтиёр маккор ўйинга ижозат берди.

А. НАЗАРЯНЦ, республика тоифасидаги судья.

— Судьялар кодексида жарима тўпини тепиш учун ижозат бериш шарт эмас,— дейилади. Аммо ушбу ҳолда Балаян тактик хатога йўл қўйди, натижада қўполлик авж олиб кетди. Судья бутун кўриниши билан, хуштак чаламан деб ишора қилиб, «жонли девор»ни сура бошлади, шу пайтда Шевлюк ўйлаб-нетиб турмай дарвозани аниқ нишонга олди. Табиийки, тошкентликлар гол нотўғри киритилди деб тортиша бошладилар, аммо судья ўз қарорини бузмади.

Ўйиннинг иккинчи тайми асаблар қаттиқ тортилган ҳолда ўтди. Ҳар икки команданинг футболчилари ўзларини тия билмадилар, ўйинни бошқара олмай қолган судья эса кетма-кет хатога йўл қўяр эди».

(«Советский спорт», 4 июнь).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VIда Концерт, 7/VIда **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/VI да **Келинлар қўзғолони,** 7/VI да **Олтин девор.**

КИНО

6 ИЮНДА

Пароль: «Яшил нилуфар» — Ғ. ҒУЛОМ номли (17, 20.00), ҲАМЗА номли (18.30, 21.00).

Мўйловли энага — «ЯНГИОБОД» (17, 19, 21.00).

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «МОСКВА» (17, 20.00).

Ҳақиқий тбилисилик ва бошқалар — «МИР» (кечқурун).

Елғончи — «ТИНЧЛИК» (кечқурун).

Эгизаклар — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

7 ИЮНДА

Пароль: «Яшил нилуфар» — Ғ. ҒУЛОМ номли (11, 14, 17, 20,00), ҲАМЗА номли (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Мўйловли энага — «ЯНГИОБОД» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Шарқий экспрессдаги қотиллик — «МОСКВА» (11, 14, 17.20).

Ҳақиқий тбилисилик ва бошқалар — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Елғончи — «ТИНЧЛИК» (кундуз ва кечқурун).

Эгизаклар — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилари — 4 ой, троллейбус ҳайдовчилари 5 ой ўқийдилар.

Ҳар ойда 60 сўмдан стипендия берилади.

Қабул қилинганлар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланиладилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри — Красновосточная кўчаси, (17, 62, 69, 71, 73-автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточная кўчаси» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ: **пойафзал бошлиғини бичувчи** (ўқиш муддати — 2 йил), **чарм кесувчи** (1 йил), **заготовка тикувчи** (2 йил), **силлиқлаш ишини бажараоладиган пойафзал фрезерчиси** (1 йил), **пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси** (2 йил), **контролёрлар** (2йил), **слесарь-ремонтчи** (2 йил), **пойафзал тагидаги деталларни мустаҳкамловчи** (1 йил).

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун пойафзалчилар маданият уйи ва унда туристик, спорт ва ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўлиб, уч маҳал овқат, кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юртига 8—9—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.), ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Богдан Хмельницкий кўчаси 6-уй (84, 131, 122, 103-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати).

ЎЗБЕК ЁДГОРЛИК БУЮМЛАРИ

Серқуёш Ўзбекистон ҳақида энг яхши ёдгорлик совға — бу, албатта, дўппидир.

Миллий безаклар, ипак ёки ранг-баранг пистонлар билан тикилган кўркам дўппилар фақат бизнинг Ватанимиздагина эмас, ҳатто чет элларда ҳам бекиёс довруғ қозонган.

ЎЗБЕК ЧЕВАРЛАРИНИНГ МАҲОРАТИ БРЮССЕЛДАГИ КЎРГАЗМАДА ОЛИЙ МУКОФОТ—ДИПЛОМ ВА КАТТА БРОНЗА МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН.

Шаҳрисабзнинг «Санама» дўпписи — ёрқин ва жуда гулдор, худди гилам гулларини эслатади, бухороча «Гулшан», «Гулноз», «Раъно», «Қўшбодом» дўппилари — тилла ва кумуш зарлар билан тикилган, тошкентча «Ироқи» дўпписи туслик ипак билан тикилган.

Чуст дўпписи эса, энг машҳури, — бўёқлар акси жиҳатидан алоҳида ажралиб туради, — қора фонда оқ ипак безаклар ёрқин кўзга ташланиб туради.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИДА РАНГ-БАРАНГ ТАСВИРИЙ-АМАЛИЙ САНЪАТ БУЮМЛАРИ МАВЖУД.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» республика базаси.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Тез ва соз

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН СУЮҚ ВА ПАСТА ҲОЛИДАГИ ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ КИЙИМЛАРНИ ТЕЗ ВА СОЗ ТОЗАЛАЙДИ.

Бу препаратлар универсалдир, чунки улар ип-газлама, шерсть, синтетика ва зиғир толасидан тикилган буюмларни жуда яхши тозалайди.

«Пальмира» пастаси аралашмасида ювилган ички кийимлар яп-янги,—ёрқин ва оппоқ тус олади. «Мечта» зиғир толали ва ип-газлама кийим-бошларга оқлик беради. «Каштан» ва «Лада» юпқа шерсть, шойи ва синтетик буюмларни тозалашда энг яхши воситадир.

«РОСЬ — 71» — ОЛМАЛИҚ ХИМИКЛАРИ ЯРАТГАН ЯНГИЛИКДИР.

Бу концентрациялашган суюқ ювувчи воситадир. У қўлланиш учун жуда қулай, шойи ва синтетик буюмларга янгилик бахш этади. Унда ювилган кийим ялтироқ тус олади ва киришмайди.

Универсал пасталар аралашмасида ювилган шерсть ва синтетик кийимлар ўз ёрқин бўёқларини узоқ сақлайди, ички кийимларни эса қайнатиш ва синькалашга ҳожат қолмайди.

Ювувчи препаратлар қўл терисига таъсир этмайди, ҳиди ёқимли, пухта упаковка қилинган, улар оғир, шунингдек, юмшоқ сувда ҳар қандай ҳароратда ҳам осон эрийди.

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИНИНГ ЮВУВЧИ ПРЕПАРАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ОЛМАЛИҚ МАИШИЙ ХИМИЯ ЗАВОДИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6 ИЮНЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.00 «Тарих саҳифалари». 17.30 «Ёшлар адреслари». 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Болаларга аталган шеърлар». 19.05 Г. Веревка номли Давлат хизмат кўрсатган академик украин халқ хорининг концерти. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (А. Бекнинг «Бережковнинг ҳаёти» романи мотивлари асосида). 1-серия. «Бережков ғилдирак ихтиро этади». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 22.35 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». Клиндаги П. И. Чайковский уй-музейида. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 «Менга мактуб ёз». Болалар учун телефильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Замондош билан юзма-юз». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қалбим яшар лирамда» Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрамига. 20.15 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз!». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистлари Моҳичеҳра Нурмуҳамедова ва Ғуломжон Ёқубовлар ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парвариши илғорларига тенглашинг». 22.15 «Романтика» телевизион театри. У. Ҳошимов. «Қалбингга қулоқ сол». 2-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

7 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. «Винни-Пух ва ташвишли кун», «Кўр сичқон ва яшил юлдуз». (ЧССР). 10.25 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия «Бережков ғилдирак ихтиро этади». 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 «Шимол манзаралари». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 «Советлар ва ҳаёт». 16.15 «Пушкин театри», 1-кўрсатув. 17.00 «Москваликларнинг ишчи кафолати». 17.30 Владимир шаҳар «Русь» ансамблининг концерти.

18.00 «Горичилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Кекса денгизчи ҳикоялари». Мультфильм. 19.05 «Рус романси». РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Бобринёва куйлайди. 19.40 «Спортлото» тиражи. 19.50 «Алкоголизм». Врач суҳбати. 20.20 «Истеъдод». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. «Ихтироларнинг Бутунжаҳон идораси». 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 МДУ «Гелиос» вокал ансамблининг концерти.

22.30 Ҳужжатли фильм. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — Испания терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Ёш талантлар». Болалар учун телевизион фильм-концерт. 11.20 «Жиблажибон армияси яна жангда». Бадиий фильм. 12.40 Абитуриентлар учун «Иншони қандай ёзиш керак?». 17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 «Мушукчалар нега ювинади?». Болалар учун мультфильм. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Олимпия умидлари». (рус.). 18.35 «Миллионлар ленинча университети». «Сиёсий маориф системасида ўқув йили якунларига доир». 19.05 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.20 «Дилгинамга қулоқ сол». Лирик концерт. 20.00 «Бола бошидан...» Самарқанд шаҳар ва Самарқанд области мактабгача тарбия муассасаларининг телевизион кўрик-конкурси. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ёш овозлар». Эстрада программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Икки дил достони». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Биология. 19.30 А. С. Пушкин. «Отишма». Бадиий ўқиш (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Абитуриентлар учун. Биология. (рус.). 20.50 Реклама. 21.00 «Пойтахт области далаларида». 21.30 «Синфлар ва синфий курашлар». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 22.00 «Мамлакатимиз кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Байроқдорлар», «Мусобақадошлар».

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р.03364. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1327.